


2  
Д-46



# **ДИНИЙ ЭКСТРИМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ**

## **ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ ОСНОВЫ БОРЬБЫ С РЕЛИГИОЗНЫМ ЭКСТРЕМИЗМОМ И ТЕРРОРИЗМОМ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**ДИНИЙ ЭКСТРИМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА  
ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ-  
МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ**

Ўқув-курси дастури

Программа ученого курса

**ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ ОСНОВЫ  
БОРЬБЫ С РЕЛИГИОЗНЫМ  
ЭКСТРЕМИЗМОМ И ТЕРРОРИЗМОМ**

**Тошкент-2005**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида тайёрланган.

Дастур Тошкент ислом университети Илмий кенгашининг 2004 йил «21» сентябрдаги мажлисида тасдиқланган.

Диний экстримизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув-курси дастури. //– Т.: ТДЮИ., 2005. 80 - б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти.

**Масъул муҳаррир:** фалсафа фанлари номзоди, доцент  
**З.Хуснидинов.**

**Тақризчилар:** филология фанлари доктори, доцент  
**З.Исломов,**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
**А.Бегматов.**

## **I. ДАВЛАТ ВА ДИН. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ**

“Эътиқод” тушунчаси. Дин эътиқоднинг ўзига хос кўриниши сифатида. Диний бағрикенглик моҳияти.

Ҳозирги даврда дин ва давлат муносабатини белгилаб берувчи асосий тамойиллар (эътиқод эркинлиги, миссионерлик ва прозелитизмнинг таъқиқланиши, диний маросимларни ўтказиш эркинлиги ва бошқалар)

Ўзбекистоннинг дунёвий ривожланиши йўли. Давлат жамият аъзолари, жумладан, диндорлар манфаатини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси. Ўзбекистонда виждон эркинлигининг конституциявий асослари. Диннинг давлатдан ажралиши.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири (1998 йил). Ўзбекистонда диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи диний ташкилотлар. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятига алоқадор қонунларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик.

Диний кадрлар тарбияси ва жамият маънавий ҳаёти ривожига ўрни ва аҳамияти.

## **II. ИСЛОМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН**

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Мовароуннаҳрда динларнинг ривожланиши ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни (ислом-гача бўлган давр).

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом тарихи. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожига ўрни.

Ҳанафийлик – исломдаги энг мўътадил мазҳаб. Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Бунёдкорлик ва бағрикенглик анъаналарининг такомиллашуви.

Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаёти ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом динининг ўрни ва аҳамиятининг ўсиши: сабаблар, омиллар, истикболлар.

## **III. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ЖАМИЯТ БАҲҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД**

Экстремизмнинг мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари. Экстремизмнинг кўринишлари ва намоён бўлиш шакллари. Диний экстремизм: пайдо бўлиш тарихи, моҳияти ва турли динларда намоён

бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари. Диний экстремизмнинг манбалари. Терроризмнинг моҳияти, пайдо бўлиш сабаблари ва намоён бўлиш шакллари.

Жаҳонда диний экстремизм ва терроризм тарқалишининг асосий сабаблари, ўчоқлари ва молиявий манбалари. Диний экстремизм ва терроризмнинг жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида олинган давлатларнинг барқарор ривожига таҳдиди.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маънавий ва мафкуравий тарбиянинг ўрни.

#### **IV. МУСУЛМОН ДУНЁСИНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИ**

Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар: географик ва этиомаданий тавсифлар.

Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш мусулмон мамлакатлари учун энг долзарб вазифалардан бири сифатида. Мутаасиб, жангари исломнинг мусулмон дунёси учун хавфи.

Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида мусулмон дунёси мамлакатлари томонидан олиб борилаётган ҳаракатлар.

Мусулмон мамлакатларида диний экстремизм ва терроризмнинг олдини ошил ҳамда унга қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

#### **V. МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА ҲАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР**

Жамият ривожланишининг ўтиш даврида маънавий-маърифий ишларнинг устувор йўналишлари.

Диний экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари. Диний экстремистик ҳаракатларнинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги ғаразли мақсад ва интилишлари.

Марказий Осиёда фаолият юритишга интилаётган диний экстремистик ташкилотлар (“Ҳизбут таҳрир”, Ўзбекистон ислом ҳаракати, “пурчилар” ва б.). “Халифалик” тушунчаси.

Ёшлар ва хотин-қизлар орасида экстремистик ғояларни тарқатишга уринишнинг асосий сабаблари. “Шаҳид” тушунчаси.

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясининг мазмун-моҳияти ҳамда диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишдаги аҳамияти.

## **VI. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШНИНГ ҲАЛҚАРО СИЁСИЙ – ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳалқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари. БМТнинг экстремизм ва ҳалқаро терроризмнинг олдини олишга қаратилган конвенцияларининг мазмуни ҳамда уларни рўёбга чиқа-риш шакллари ва усуллари.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ҳалқаро маънавий-маърифий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти.

## **VII. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ҲАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШ**

Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдонда диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида олиб бораётган қатъий сиёсатининг моҳияти. Экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган ҳалқаро шартномаларда Ўзбекистоннинг иштироки. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим бўғини.

Терроризмга қарши кураш бўйича минтақавий ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистоннинг иштироки. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ислохотлар – жамият барқарор ривожланишининг асосий омили. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш – Ўзбекистон тараққиётини таъминлашнинг устувор йўналиши.

Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашда дин соҳасидаги илмий асосланган сиёсатнинг ўрни ва аҳамияти. Миллий истиқлол ғояси ва фуқароларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш: натижалар, муаммолар ва вазифалар.



## Маъруза магулотлари мавзулари ва иш режаси

| №           | мавзулар                                                                                                     | соат      |
|-------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| 1           | Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати                             | 2         |
| 2           | Ислоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни ва аҳамияти: тарих ва ҳозирги замон                               | 2         |
| 3           | Диний экстремизм ва терроризм – жамият барқарорлигига таҳдид                                                 | 2         |
| 4           | Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши                                             | 2         |
| 5           | Марказий Осиёдаги барқарорлик ва ҳавфсизликка таҳдид солаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар | 2         |
| 6           | Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий – ҳуқуқий асослари                            | 2         |
| 7           | Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш                                           | 2         |
| <b>Жами</b> |                                                                                                              | <b>14</b> |

## Темы лекционных занятий и рабочий план

| №            | темы                                                                                                                   | часы      |
|--------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| 1            | Государство и религия. Взаимоотношения государства с религией и религиозными организациями в Узбекистане               | 2         |
| 2            | Место значение ислама в Центрально-азиатском регионе: история и современность                                          | 2         |
| 3            | Религиозный экстремизм и терроризм – угроза стабильности общества                                                      | 2         |
| 4            | Борьба мусулманского мира против религиозного экстремизма и терроризма                                                 | 2         |
| 5            | Религиозно-экстремистические и террористические организации, угрожающие стабильности и безопасности в Центральной Азии | 2         |
| 6            | Международные политико-правовые основы борьбы с религиозным экстремизмом и терроризмом                                 | 2         |
| 7            | Борьба Узбекистана против религиозного экстремизма и терроризма                                                        | 2         |
| <b>Итого</b> |                                                                                                                        | <b>14</b> |

## 1. Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг Дин ва диний ташкилотлар билан муносабати

### **РЕЖА:**

1. *Эътиқод, диний эътиқод ва диний бағрикенглик: маҳияти ва мазмуни.*
2. *Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.*
3. *Виждон эркинлиги ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқий асослари ва уни бузганлик учун жавобгарлик чоралари.*
4. *Диний қадриятлар тикланишининг жамият маънавий ҳаёти ривожигаги ўрни ва аҳамияти.*

### 1.

Эътиқод – имон унсурларидан бири бўлиб, Аллоҳнинг каломи ҳақиқий эканлигига астойдил ишонишдир. Эътиқоднинг синоними сифатида турли ақидавий мактаблар “тасдиқ”, “ақида”, “ақд” терминларини ишлатганлар. Мазмуни жиҳатидан эътиқодга энг яқин турадигани **“тасдиқ”** бўлиб, Аллоҳ ва Унинг Куръон орқали етказган сўзлари ҳақиқий эканини чин қалбдан эътироф этишдир. Уларнинг ўртасидаги фарқ атиги шундаки, “тасдиқ Аллоҳнинг сўзлари ҳақиқий ва ишончли эканлигини ички мулоҳаза билан англаш, эътиқод бўлса мана шунга қўшилиш, унга қалбдан имон келтиришдир”<sup>1</sup>.

Эътиқоднинг ўзига хос кўринишларидан бири-бу Диндир. “Дин” – арабча сўз бўлиб, «бўйсиниш», «итоат қилиш», «эътиқод қилиш» деган маъноларни англатади. Умуман, араб тилида «Дин» сўзи жуда кўплаб маъноларда ишлатилади.

Диннинг нима эканлиги тўғрисида жамиятда ягона фикр йўқ. Диний нуқтаи назарга кўра, дин-илоҳий кучларга, худога, пайғамбарларга, фаришталарга, муқаддас китобларга, охиратга, бутун яхши-ёмонлик Яратганнинг иродаси билан бўлишлигига ишонмоқликдир. У азалдан инсоннинг Аллоҳ билан алоқа қилиш эҳтиёжидир.

Дунёвий нуқтаи назар бўйича эса дин-ижтимоий тарихий ҳодиса. Кишилиқ жамияти тарихи тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида бири. Диннинг нима эканлиги турлича изоҳлансада, умумий нуқтаи назар шуки, дин – ишонмоқлик туйғусидир. Бу туйғу инсоннинг энг гўзал, энг теран маънавий-руҳий эҳтиёжларидандир.

Ўзбекистон қадимдан динлар ўлкаси бўлиб, исломдан аввал зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, яҳудийлик ва бошқа ўнга

<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. Т.: «Ўзбекистон миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти 2004.



якин динлар бўлган. Динлараро муносабатларда бирорта низо чиққанлиги тарихий китобларда қайд этилмаган.

Мўғил босқини исломлаштириш жараёнини тўхтатиб қололмади. Тасаввуф тариқатлари ривож топиб, исломни бизнинг заминда ўзига хос тарзда ривожига сабаб бўлди. Бу даврда ислом тасаввуф шаклида Марказий Осиёда маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч сифатида муҳим аҳамият касб этди. Амир Темурнинг мўғулларга қарши сарбадорлар курашида ҳам сўфийлар фаол иштирок этди. Тарихдан маълумки, Амир Темур ислом динини ўзига хос, мутаассибликдан холи, эркин тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва бу жиҳатдан у нафақат ўз асри, балки, ҳозирги замон кишиси учун ҳам намунадир.

Ҳозир Ер шарида тахминан 6 миллиарддан ортиқ одам яшайди ва улар у ёки бу динга эътиқод қиладилар. Дунёда у ёки бу динга эътиқод қилмаган бирор бир халқ йўқдир. Динлар хилма-хил бўлиб, жаҳон ва миллий динларга бўлинадилар.

**ЖАҲОН ДИНЛАРИ** – ўзлари пайдо бўлган ҳудудлардагина амал қилмай, балки Ер шарининг бошқа ҳудудларида ҳам тарқалган динлардир. Жаҳон динлари унга эътиқод қилувчиларнинг миллати, ирқи, туғилган жойи, фуқаролиги каби хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Жаҳон динларининг Ер юзида тарқалиш нуфузи тахминан қуйидагича:

| № | Динлар номи                  | мамлакатлар | Сони        |
|---|------------------------------|-------------|-------------|
| 1 | Христианлик<br>(насронийлик) | 254         | 2 млрд      |
| 2 | Ислом                        | 172         | 1,3<br>млрд |
| 3 | Буддавийлик                  | 86          | 700<br>млн  |

**ХРИСТИАНЛИК** – милодий 1 асрнинг ўрталарида Фаластинда вужудга келди. «Христианлик» атамаси қадимги ёҳудий тилидаги «машиах» сўзининг грек тилидаги таржимаси «христас», яъни “муқаддас ёғ суртилган”, “мессия” (махфий) деган маъноларни англатади.

Милодий I асрда Фаластинда мессиячилик ҳаракати шу қадар кенг ёйилдики, маҳаллий аҳоли онгида буюк халоскор-мессия Исо Масих (Иисус Христос) тўғрисидаги диний таълимотнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Христианликда кейинчалик католицизм ва протестантизм оқимлари пайдо бўлди. Христианлик жаҳонда жуда нуфузли дин бўлиб, у Ер шарининг деярли барча қисмида кенг тарқалгандир. Ҳозир христианликка 2 млрд.дан ортиқ киши эътиқод қилади.

**ИСЛОМ.** Арабистон ярим оролида VII асрда вужудга келган диндир.

Ислом сўзи «бўйсунуш», «итоат этиш» маъноларида келиб, икки рамздан иборат: «Ла илаҳа иллаллоҳу ва Муҳаммадун Расулуллоҳ», яъни «Аллоҳдан бошқа Илоҳ йўқдир ва Муҳаммад унинг Пайғамбари».

Ислом бошқа эътиқод вакилларига ҳам ўз динларига амал қилиш ҳуқуқини берган улкан сабр-тоқат, муроса динидир. Ислом илмга, адолатга ҳурмат, камбағал ва ночорларга шафқат, оила муносабатларининг муқаддаслиги ҳамда ота-оналарни эъзозлашни улуғловчи, юксак ахлоқий маданият сингари умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган диндир.

Ислом дунё динлари ичида иккинчи ўринда бўлиб, (христианликдан кейин) бир миллиард 300млн.дан ортиқ киши мазкур динга эътиқод қиладилар.

Жаҳоннинг 120дан ортиқ мамлакатларида мусулмон жамоалари мавжуд бўлиб, 35 та давлатда эса аҳолининг асосий қисмини ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил этади. Осиё-Африка давлатларининг 28 таси исломни давлат дини, деб эълон қилган.

**БУДДАВИЙЛИК** – эрамыздан аввалги I мингтунчи йиллар ўртасида Шимолий Ҳиндистонда пайдо бўлди. Буддавийлик Гаутама (Будда) номи билан боғлиқ. Одатда буддавийлар ўз динларини “дхарма” (яъни, софлик, мусаффолик қонуни), деб аташади.

Будда таълимоти тўртта буюк таълимотга асосланади:

- ҳаёт изтироблардан иборат;
- изтиробларнинг манбаи эҳтиёж ва истакларга тўла ҳаётдир;
- изтироблардан нирванага (ўтиш, сўниш,деган маъно) эришиш орқали ҳалос бўлиш мумкин;

- ҳақиқатни англаш ва нирвапага эришишнинг йўли мавжуд.

Буддавийлик Хитой, Непал, Вьетнам ва бошқа Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида кенг тарқалгандир.

Миллий динлар – айнан бир миллатга мансуб кишиларнинг диний эътиқодидир. Миллий динларга ҳиндуийлик, яҳудийлик синхизм, синтоизм, Конфуцийлик ва бошқа бир қатор динлар киради. Жаҳондаги барча динлар, у жаҳон дини бўладими ёки у миллий динми, барчаси эзгулик ғояларига асосланади, ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

**ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК** – турли диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашлигини билдиради.

Бугун Ўзбекистон диний бағрикенглик ва динлараро мурося борасида нафакат собиқ шўро тузуми ижтимоий-сиёсий маконида, балки бутун дунё учун намуна кўрсатмоқда. Мамлакатимизда диний фаолият учун барча шарт-шароитлар ва ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топган. Мазкур Қонуннинг замон талаблари асосида тўлдирилиб, қайта тасдиқланиши ҳақиқий диний муносабатларга эркинлик берилишининг тасдиғидир. Ўзбекистон кўп конфессиявий мамлакатдир. Исломдан ташқари жаҳоннинг барча динлари ва мазҳаблари учун ҳам тенг ҳуқуқлар кафолатланган. Диний низолар учун ҳеч қандай асос йўқдир. Шу боис Ўзбекистонда диний муносабатлар миллатлараро муносабатлар каби ўзоро ҳурмат, бағрикенглик (толеранлик) ва ҳамжиҳатликка асосланиб ривожланмоқда.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ диёримизнинг барча фуқаролари ҳақиқий эътиқод эркинлигини ҳис эта бошладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Собиқ шўро даврида республикамызда бор-йўғи 89 та масжид ва иккита мадраса фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Қорақалпоғистон мусулмонлари козияти, Тошкент ислом институти, 10 та мадраса ва 1888 та масжид, 17 конфессиянинг 2104 та ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130дан зиёд миллат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Бугун республикамызда 16 турдаги ноисломий диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатмоқда. 1999 йил 7 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Фармониға асосан Тошкент ислом унверситети ташкил этилди. Ҳар йили мазкур олийгоҳ ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факультетларига 100 дан ортиқ талабаларни қабул қилади. Унверситет қошида Исломшунослик илмий тадқиқод Маркази, манбалар хазинаси ҳамда академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирға амалдаги қонунчилик томонидан кафолатланган эътиқод эркинлиги Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли динларға эътиқод қилувчи юздан ортиқ миллатлар ва элатлар вакилларига ҳам диний эҳтиёжларини қондириш учун барча шароитлар яратиб берилган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси-халқимизнинг

озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзусини амалга ошириш ҳамда мустаҳкам таянч бўлиш учун хизмат қилади.

## 2.

Мустақил Ўзбекистонда диний муносабатлар давлат эътиборида туради. Дин ва давлат ўртасида муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун асосида қуйидаги принциплар воситасида амалга оширилади:

- диндорларнинг диний ҳиссиётларига ҳурмат билан қараш;
- диний эътиқодни фуқароларнинг ёки фуқаролар бирлашмаларининг шахсий ишлари, деб тан олиш;
- диний қарашларга эга ёки эга эмасликларидан қатъи назар фуқароларга тенг ҳуқуқларни кафолатлаш ва уларнинг таъқиб остига олишларига йўл қўймаслик;
- диндан руҳий-маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш учун фойдаланиш;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик.

Мазкур принциплар умумлашган ҳолда секуляризм сиёсатини ташкил этади. Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида дин ва давлат муносабатлари секуляризм принципига асослангандир. Ўзбекистон давлати бу қоидадан мустасно эмас. Дунёвий давлат динга эркинликлар беради, бироқ давлат ишларига аралашушга, унинг сиёсатига қарши хатти-ҳаракатлар уюштиришига йўл қўймайди.

Секуляризм сиёсатининг ижобий томони шундаки, унга биноан давлат динни маориф ишларига аралашушга, диний таълимни тарғиб қилишга йўл қўймайди. Секуляризм давлат ва дин ўртасидаги мулкӣ муносабатларни ҳам тартибга солади. Шу боис 1998 йил 1 майида Олий Мажлис томонидан янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиниши ҳаёт тақозоси бўлди. Дунёвий давлат динни ҳурмат қилади, бироқ уни давлат сиёсатига аралашувига йўл қўймайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ҳар хил эътиқодларга оид диний ташкилотлар ўртасида ўзоро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашади, диний мутаасибчиликка ҳамда турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқа-

сига киритишга қаратилган хатти-ҳарактлар (прозелитизм<sup>2</sup>), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик<sup>3</sup> фаолияти ман этилади.

Умуман, мустақил Ўзбекистон Республикасида дин ва диндорларга, диний ташкилотларга бўлган муносабатларда, собид мустабид тузумга нисбатан туб бурилиш амалга оширилди ва улар бизнинг асосий Қомусимиз бўлмиш Конституцияда ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топган Улар асосан қуйидагилардан иборат.

1. Конституция ва қонун демократик тамойилларни жамият маънавий ҳаётига тадбиқ қилади. Бунга кўра, ҳар бир фуқаро ўз маслаги, ўз эътиқодининг ҳақиқий соҳиби бўлади ва уни эркин намоиш эта олади.

2. Конституция ва қонунга биноан диндорлар ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Чунончи, жамиятнинг ҳамма соҳасида, жумладан, меҳнат соҳасида динга ишонмайдиганлар қандай ҳуқуқларга эга бўлсалар, диндорлар ҳам шундай ҳуқуқларга эгадирлар. Диний ташкилотлар эса диний бўлмаган жамоа, нодавлат ташкилотларга ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилди.

3. Диний ташкилотлар, уламолар ва руҳонийларнинг жамият ҳаётининг ҳамма, айниқса маънавият, маданият билан боғлиқ жабҳаларда фаол ҳаракатлари учун зарур бўлган шароит ва имкониятлар яратилди.

4. Диний ташкилотлар Адлия вазирлиги томонидан бошқа жамоат, нодавлат ташкилотлари каби рўйхатга олинади.

5. Диний ўқув юртларида таҳсил олаётганлар, давлат ўқув юртларида таълим ва тарбия олаётган ўқувчилар, талабалар учун берилган барча имтиёзлардан ҳам тўла фойдаланадилар.

6. Диний ташкилотларда ёки улар ихтиёридаги корхоналарда меҳнат қилаётган фуқаролар ҳам маҳнат ҳуқуқига биноан ҳамма меҳнат қилаётганлар билан тенгдирлар.

7. Диний ташкилотларга юридик шахс мақоми берилди.

8. Ибодатхоналар ва тоат-ибодат буюмлари диний ташкилотларга хусусий мулк қилиб берилди.

Демократик таққиёт барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги шу асосда ижтимоий ҳаёт ташкил қилинишига асосланади. Бу вазият дин ва диний ташкилотларга бўлган муносабатларда хусусан исломга бўлган муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган.

<sup>2</sup> Прозелизм – ўз динидан чиқиб бошқа динга ўтиш.

<sup>3</sup> Миссионерлик – бошқа диний эътиқодга эга бўлган аҳолини ўз динига оғдириб олишлик бўйича диний ташкилотлар вакиллари томонидан амалга оширилган фаолият.

### 3.

Миллий мустақилликка эришиш ва давлат, жамият ҳаётини демократлаштириш жараёни динга, диний ташкилотларга муносабатни ўзгартириш масаласини қўяди. Ана шу заруриятдан келиб чиқиб мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ виждон эркинлиги ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 31, 61-моддаларида ҳам виждон эркинлиги масаласига катта эътибор қаратилган. Унда халқимиз руҳига мос келадиган имон, эътиқод, адлу-инсоф, диёнат, меҳру-окибат, ор-номус, иффат ва ҳаё қаби эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Шунингдек, комусимизда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи ва динидан қатъи назар тенг ҳуқуқли, деб билади, ҳамда, уларнинг виждон эркинлигини, урф-одатлари, миллий аъаналарини ҳурмат қилинишини кафолатлайди. Ушбу қомусий қоида 1998 йил 1 май куни қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган.

Бу қонунда мамлакатимизда яшовчи халқларнинг виждон эркинлиги, хоҳиш истаклари, дунёқарашлари, динларнинг ўзига хос томонлари инобатга олинган. Қонуннинг 3-моддаси «Виждон эркинлиги ҳуқуқи», - деб номланади.

**Виждон эркинлиги** – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш, ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслигидан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида зикр этилганидек; «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний эътиқодларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»<sup>4</sup>.

Хўш, виждон эркинлигининг кафолатлари нималардан иборат? Кафолатлар қўп қирралидир. Бу-аввало динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилганлиги; барча фуқаролар учун маориф ва маданият эшикларининг очиклиги: мактабнинг диндан ва диний ташкилотлардан ажратилганлиги; диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган муайян шароитларнинг яратиб берилганлиги ва ҳ.к. Қонуннинг 4-моддаси “Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги”, - деб номланади.

Қонуннинг 4-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003. 15-бет.

тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш, ёхуд уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ-ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўкач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишига ҳақли эмаслигига оид масалалар мазкур моддаларда ўз ифодасини топган.

Қонуннинг 11-моддаси диний ташкилотлар фаолиятига бағишланган.

Диний ташкилот - диний эҳтиёжларни биргаликда кондириш ёки кондиришга қўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшмадир. Айни вақтда фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатловчи тузилмалардан бири ҳисобланади. Диний ташкилотларнинг энг муҳим белгиси, уларнинг ўзини ўзи бошқаришидир, яъни улар маъмурий жиҳатдан давлат идораларидан ажратилгандирлар.

Диний ташкилотларнинг фаолияти қонунларга зид келмаса, давлат уларнинг ички ақидавий ишларига аралашмайди. Улар ўз устав (низомларига) мувофиқ ташкил топиш ва иш юритиш, ходимларни танлаш, тайинлаш ва алмаштириш ҳуқуқига эга.

Қонуннинг 14-моддасида диний урф-одатлар ва маросимлар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар кўрсатилган. Қонунда «Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русмларни ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир» - дейилган.

**Диний маросимлар** – фуқароларнинг диний таълимотларидан, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва хатти ҳаркатлари бўлиб, ҳар қайси дин вакиллариининг ўз диний таълимотлари асосида келиб чиққан. Ислом динида ақида, амри-маъруф, хатна, рўза ва рамазон ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, номоз, ҳаж ва бошқа кўпгина маросимлар мавжуд. Ўзбекистонда диний маросимларнинг бемалол амалга оширилиши таъминланади, аммо улар қонунларни, жамоат тартибини бузмаслиги ва шахсга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқига дахл қилмаслиги керак. Диний маросимларда қатнашиш уларнинг шахсий иши бўлиб, ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди. Диний маросимларга амал қилинганлиги ҳақида ҳужжатлар ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга эмас. Диний маросимлар ибодатхоналарда, диний ташкилотлар муас-



сасаларида, зиёратгоҳларда, қабристонларда, фуқароларнинг хонадонлари ва уйларида ўтказилади. Махсус бинолардан ташқарида диний маросимлар ёки оммавий ибодатлар ўтказиладиган ҳолатларда бу ҳақда маҳаллий ҳокимият огоҳлантирилиб қўйилиши ва бундай тадбирлар қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши лозим.

Диний ташкилотларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларнинг эса тегишли равишда Қорақолпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳри адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Қонуннинг 23-моддасида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар, дейилган.

1998 йилнинг 1-май куни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий Кодексларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди ва янги моддалар билан бойитилди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 216<sup>2</sup>-моддасида диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳолати учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, рухонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганлигидан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараварига миқдорда жарима ёки олти ойга қамоқ ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки олти ойгача қамок ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Умуман, Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фойдага оид қонунларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодексининг 184, 184, 201, 202, 240, 241-моддаларида, Жиноят кодексининг 53, 145, 156, 158, 159, 190, 216; 216, 229<sup>2</sup>, 242, 244<sup>1</sup> ва 246-моддаларида кўрсатилган.

#### 4.

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлати ва ҳукумати дин ва диний ташкилотларга, диндорларга бўлган эски сиёсатни бутунлай инкор этади. Эндиликда бу соҳага томонан янича қараш асосида, яъни миллий, диний ва умуминсоний қадриятлар, умумхалқ манфаатлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда янгича, демократик ва инсонпарварлик муҳити барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, кишиларнинг тинч, осойишта яшашига пухта замин яратиш манфаатлари нуктаи назаридан изчил ёндашилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ диний қадриятларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу сиёсатни амалга ошириш жараёни қуйидагича амалга оширилмоқда.

Биринчидан, виждон эркинлиги масаласининг, давлат билан диний ташкилотлар ўртасида муносабат масаласининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи яратилди. Бу ҳуқуқий негиз-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонундир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда фуқаролар ва диний ташкилотлар учун кафолатланган ҳуқуқий имкониятлар тўла рўёбга чиқарилмоқда. Диннинг мавқеи тикланди, барча диний уюшмаларга, мазҳаб ва жамоаларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилди.

Учинчидан, Ўзбекистон ҳукумати мусалмонларнинг хоҳиш-истакларни инобатга олиб ислом дунёсининг муқаддас ёдгорликларини тарихий обидаларни диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказди.

Тўртинчидан, янги масжидлар очилди, эскилари таъмирланди ва бу жараён узлуксиз давом этмоқда.

Бешинчидан, ҳамюртларимиз Ҳажга ва Умрага, Макка ва Мадинага зиёратга, яъни диний фарзни адо этишга бориб келмоқдалар. Ўша даврда Кремлнинг асабий жазаваларига қарамай, юртимиз ҳали Советлар исканжасида турган оғир кунларда Президентимиз халқ хоҳиш-иродасига кулоқ тутиб 1990 й 2-июнда «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиш тўғрисида»ги фармонида имзо чекди.

Олтинчидан, Дин арбоблари ва руҳонийлари учун оммавий ахборат воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Мустақиллик шарофати билан «Ислом нури» ҳафтаномаси дунёга келди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, Имом Бухорийнинг тўрт жилддан иборат, Имом Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этила бошланди. Куръони Карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди.

Еттинчидан, Республикамизда муқаддас Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам кунлари ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди.


Саккизинчидан, Машҳур диний арбобларнинг таваллудларига бағишланган юбилейлар ва анжуманларни кенг кўламда нишонланмоқда. Бу борада ислом оламнинг забардаст алломалари-ватандошларимиз Абу Исо Ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Махмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Боховуддин Накишбандийнинг 675 йиллиги ва Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги, Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвими бўйича 1225 йиллиги кенг кўламда нишонланиши юртимизда имон, дину-диёнат қайтадан юксалаётганлигининг ёрқин далили бўлди. Бу азиз ва мукаррам зотларнинг бебоҳо асарлари қайта чоп этилди. Номлари абадийлаштирилди.

130 га яқин миллат ва элат истиқомат қилаётган, аҳолисининг руҳий ва маънавий эҳтиёжлари ранг-баранг бўлган Ўзбекистондай мамлакатда тили, дини, ирки, миллати, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, инсонни улуғлиш давлат сиёсатининг бош йўналишидир.

Табиийки, маънавий-руҳий покланиш унутилган қадриятларни тиклаш бир кунда бўладиган иш эмас, у мунтазамлик билан иш олиб боришни талаб қилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003 й.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилот тўғрисида» (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни –Т.: «Адолат» 1998 й.



3. И.Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура 1-жилд . Т.: «Ўзбекистон »,1996 й.
4. И.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида : ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:«Ўзбекистон»1997 й.
5. Ислом Энциклопедияси: Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2004 й.
6. АбдурахмоновА. Саодатга элтувчи билим.–Т.:Мовароуннаҳр: 2001.
7. Ирисов Б. Дин, ақидапарастик ва таҳдид. –Т.: «Маънавият» 2000.
8. «Ислом тарихи» фани бўйича ўқув-услубий қўлланма. –Т.:Тошкент ислом университети, 2001 й.
9. Каримов Н. Ислом-маърифат дини. -Т.: Маънавият, 2002 й.

**Ф.ф.н. М.Бўриева тайёрлади.**

## **2. Ислом динининг Марказий Осиё минтақасида тутган ўрни ва аҳамияти: тарих ва ҳозирги замон**

### **РЕЖА:**

*1. Марказий Осиёда динларнинг ривожланиши ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни (исломгача бўлган давр).*

*2. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом динининг тарихий ривожланиши.*

*3. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илми ва маданияти ривожигаги ўрни.*

Марказий Осиёда диний таълимотлар ва қарашларнинг юзага келиши ҳамда тарқалиши ўзоқ тарихга эга. Ислом дини тарқалгунга қадар Мовароуннахрда зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, яҳудийлик динлари мавжуд бўлганлиги тарихдан маълум. Ўлкамизнинг ҳинд ва форс диёрларига туташ ҳудудларида Будда таълимотини қабул қилганлар сони кўпчиликни ташкил этса, Хоразм, Бухоро, Самарканд, Фарғона ҳудудларида аҳоли асосан зардуштийлик динига эътиқод қилган.

Зардуштийлик Мовароуннахрда илгариги диний таъсаввурлар ва кўп худочиликка асосланган диний эътиқодларни пайғамбар Зардушт томонидан ислоҳ қилиниши оқибатида юзага келган диндир. Дастлаб оғзаки тарзда бундан 3 минг йил аввал авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу диннинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» (асли «Овасто») мил. авв. 10-7 асрларда китоб қилиб жамланган. Зардушт инсонларни яхкаю-ягона илоҳ Ахурамаздани тан олишга, фақат унгагина иймон келтириш ва ибодат қилишга чақиради, тартиб, инсоф, адолат ҳақиқат, поклик ақидалари асосида яшашни тарғиб қилади. Шундан бери тартиб, инсоф, адолат ақидалари асосида яшашга интилиш Шарқ халқлари, жумладан, Ўрта Осиё халқлари қалбида яшаб келади.

Зардуштийлик имони фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги ва амалларнинг инсонийлигига асосланади. Ахурамазда одамларни ўз истакларида холис бўлиб, бир-бирлари билан муросада яшашни одат қилишга, ғаразғўйлик, димоғдорлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юришга чақиради. Имонли одам ўтирлик ва талончиликлардан, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтиришдан ўзини сақлайдиган инсондир. «Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий дунёнгиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукаммал бўлиб бораверади», дейди Ахурамазда. Муқаддас «Авесто» битикларида илгари сурилган ғоялар, Зардушт томонидан бунёд этилган, изчил таълимот, биринчи навбатда ўша даврдаги давлат ва жамиятнинг сиёсий мақсадларини акс эттирувчи мукаммал мафкура сифатида шаклланган. «Авесто»

Ўзбек давлатчилигининг томирлари нақадар узоқларга бориб тақалганлигини асослаб берадиган, инсонларни эзгулик ва камолот сари етакловчи нодир асардир. У Марказий Осиёликлар, Хитой, Хиндистон, Юнонистон, Эрон, Арабистон, Европа халқлари орқасидан эргашиб юрмасдан мустақил фикрлаб жаҳон цивилизацияси ва маданиятига улкан ҳисса қўшганини тасдиқлайди.

Милодий ҳисобнинг биринчи асрларидан бошлаб Марказий Осиё шаҳарлари Самарқанд ва Бухорода миллий динларга эга яхудийлар пайдо бўла бошлаган. Яхудийлик яққахудоликка асосланган диндир. Марказий Осиёда яшаётган яхудийларнинг асосий қисми Бухоро яхудийлари номини олган. Улар сосонийлар даврида Марв ва Эрон орқали кириб келганлар.

Марказий Осиё халқларининг қадимги тарихи ва маданиятида буддавийликнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу таълимотнинг тарқалиши мил.авв. III-II асрларга, Кушон империяси даврига тўғри келади. Исломгача бўлган даврда буддавийлик Марказий Осиёда ғоявий турмушнинг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Буддавийлик аҳолининг турли табақаларига бирдек таъсир ўтказган. Буддавийликни қабул қилган Марказий Осиё халқлари махсус ибодатхоналар қурдирганлар. Исломгача Марказий Осиё халқларининг бир қисми христианликни ҳам қабул қилган. 280 йилдаёқ Талос (Мерке)да христианлик черковлари қурилган бўлиб, Самарқандда (301 йилда) Марвда (334 йилдан), Хиротда (430 йилдан) Хоразмда, Марида ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик кафедра мессия (кейинчалик Самарқандда, Марвда 430 йиллар), Хиротда (558 йиллар) 6-12 епископликдан иборат диний ҳудудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. Ҳатто Беруний яшаган даврда ҳам (973-1048) Марвда православ митрополияси фаолият кўрсатган.

Ватанимиз ҳудудларида зардуштийлик билан бир қаторда монийлик дини ҳам кенг тарқалган. Ўз ичига зардуштийлик, буддавийлик, христианлик динларининг баъзи томонларини олган бу таълимот бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиш уйғота бошлайди. Монийлик VIII асрда Уйғур хонлигида ҳукмрон динга айланган. Ислом дини пайдо бўлгач монийлик Осиё мамалкатларида таъқибга учрайди. Бироқ монийликдаги яхшилик ва ёмонлик кураши ҳақидаги таълимот кейинчалик Европа мамлакатларида павликианчилик, Шарқ мамлакатларида эса маздакийчилик ҳаракатларини келтириб чиқарди. Моний ўрта аср Шарқ шеърлятида машҳур наққош ва рассом сифатида тилга олинади. Буюк шоирлардан Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийлар ўз асарларида Монийни тилга олганлар.

VII асрда Арабистон ярим оролида ислом дини пайдо бўлди. 630 йилда Арабистон ягона давлатга (халифалик) бирлаштирилгач, ислом

ягона хукмрон динга айланди. Муҳаммад (С.А.В.) вафот этгач, давлатни халифалар бошқара бошладилар. Ислом дини Марказий Осиёга Араб халифалигининг амири Қутайба ибн Муслим ва унинг аскарлари томонидан 705-715 йилларда ёйилган.

Инсон руҳиятига доир тадқиқотлар тасдиқлашича бирор диний таълимотга риоя қилиб келган кишиларни бошқа динни қабул қилишлари руҳан оғир кечади. Ислом дини нозил бўлиши арафасида Марказий Осиёда зардўштийлик, буддавийлик, монийлик каби диний таълимотларга эътиқод қилингани ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Чорвадор кўчманчи қабилалар, айниқса чекка ўлкаларда яшовчи элатлар ўртасида ҳеч бир динга эътиқод қилмовчи кишилар бор эди. Шунинг учун аجدодларимиз ислом динини дархол қабул қилмайдилар. Уларнинг онгини бошқа диний таълимотлар банд этган эди, шу туфайли улар исломнинг моҳиятини тез тушуниб етмадилар. Қутайба ибн Муслим эса ислом ёйишда мажбур этмаслик лозим, деган тамойилга қатъий риоя қилмайди. Шу сабабдан мусулмонлар ва зардўштийлар (ўтнараст) ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтади. Масалан, бир гуруҳ самарқандликлар 705-710 йиллар орасида мусулмончилик ислом динига зид ўларок, шаҳарга зўрлик, қурол кучи билан олиб кирилди, деб халифалик марказига арз қилганлар. У ерда бу имконият ислом дини бўйича ўринли деб топилади-да, диний адолат бўйича иш тутилиб, ислом аскарлари Самарқанддан олиб чиқиб кетилади. Амир Қутайба аскарлари зардўштийлик таълимотини тарғиб этувчи китобларни ёқишган, булар орасида «Авесто» китобининг нусхалари ҳам бўлган. Абу Райхон Беруний «Осор ул-боқия» асарида худди шунга ўхшаш ҳолларни эслатиб ўтган. Исломнинг динни ёйишда мажбур этмаслик лозим, деган тамойилга амал қилмаслик, Қутайбанинг ҳалокатига сабаб бўлган шекилли. У милодий 715йилда ҳозирги Андижон вилояти Жалолқудуқ туманида исён кўтарган ўз аскарлари томонидан ўлдирилган.

Араблар ислом динини қабул қилган ва мусулмон бўлган маҳаллий аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлар ва имтиёзлар берганлар. Исломни қабул қилганлар жузъя ва хирож солиқларидан озод қилинган. Тарихчи Наршаҳийнинг гувоҳлик беришича Қутайба ибн Муслим «жума намозиға ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирҳам бераман» деб чақиртирар экан. Бундан ташқари ислом дини даъват йўли билан ҳам ёйилган. Туркистоннинг нисбатан шимолий вилоятлари, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими, Еттисув ўлкалари нисбатан ғарбий шимолий қисми Дашти Қипчоқнинг аҳолиси туркий тилли аجدодларимиз IX-XI асрларда ихтиёрий равишда ислом динини қабул қилганлар. Биринчи даъватдаёқ 200 минг оила бир йўла ислом динини қабул қилган ҳолатлар бўлган.

Шарқ инсон маънавий камолотини диний эътиқодга, бу ўринда ислом динига боғлиқ деб қарайди. Бироқ шўролар замонида ислом динига нисбатан ғайриилмий, сохта қарашлар баён этилди. Ислом динига, бу динга эътиқод қилувчи оддий аҳолига ҳам қарши тўхтовсиз хуружлар бўлди. Хаттоки ислом дини арабларга тегишли, уларнинг турмуш тарзларига мос, туркий тиллий халқлар учун бу бегонадир, дейишгача бориб етилди.

Ҳақиқатда эса ислом дини жаҳон динларидан бири. У Оллоҳ томонидан охириги пайғамбар Муҳаммад (САВ) га нозил қилинган бўлса-да, бу дин пайғамбар исми билан аталмайди. Ислом дини деб номланишининг боиси унинг ер юзидаги барча халқларга қаратилганидир. Ислом дини фақат арабларгагина тааллуқли эмас, ер юзидаги қайси халқлар шу динга эътиқод қилсалар, ислом дини ўшаларнинг барчасига бар-баровар тегишлидир.

Ислом дини учун миллий ва ирқий тўсиқлар бўлмаган. Туркий тилли халқларнинг аксариёт қисми ҳам VII асрнинг 2-қисмидан бошлаб бу динга эътиқод қилиб келмоқда.

Марказий Осиё халқларининг XIV асрлик турмушини, маънавияти, маърифати, маданияти, тарихини ислом динисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ислом дини Арабистонда пайдо бўлган бўлса-да, янги илохий таълимот Марказий Осиёда равнақ топди. Амир Қутайба аскарларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган Хоразм, Термиз, Бухоро, Самарқанд, Фарғона каби шаҳарлар кейинчалик ислом динининг энг йирик марказлари бўлиб қолди. Юртимиз мусулмон дунёсига буюк Бухорийлар, ат-Термизий, Ал-Фарғоний каби алломаларни етиштириб берди. Ислом дини ривожланишида Марказий Осиё халқларининг ҳам улкан тарихий хизматлари бор. Бу тарихий хизмат моҳиятига кўра 3 та йўналишда бўлган:

1. Ислом динини ташқи ва ички ғанимлардан химоя қилиш;
2. Ислом динини турли халқлар ва турли ўлкаларга ёйиш;
3. Ислом динини илохий таълимот сифатида ўрганиш, илоҳият, тажвид, таъсир, хадис, фикҳ илмларини равнақ эттириш ва оммалаштириш;

Марказий Осиё халқларининг жумладан, туркистонлик мутафаккирларнинг ислом динини турли халқлар ва турли ўлкаларга ёйишдек шарафли ишга қўшган хиссалари, араблар қўшган хиссадан кам бўлмаган. Ислом дини тарихидан маълумки бу дин мажбур этишга йўл бермайди. Оллоҳ таоло динга мажбурлаб киритиш, маълум бир эътиқодни зўрлаб, мажбуран тиқиштириш ҳуқуқини ҳеч кимга, ҳатто пайғамбарларга ҳам берган эмас. Бу ҳақда Оллоҳ 88-«Ғошия» сурасининг 21-22 оятларида шундай деган: «Бас, (эй, Муҳаммад) эслатинг!



Зотан сиз фақат эслатгувчидирсиз. Уларнинг устидан зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз».

Ислом ҳақ дин бўлгани учун ўз ақидаларини мажбурлаб сингдирмайди, у балки даъват қилади, холос. Халқимизда мусулмончилик аста-секинлик биландир, деган ибора ҳам ана шу қоидадан келиб чиққан. Маълумки, ислом шариатининг «Қуръони Карим»дан кейинги иккинчи асосий манбаси суннатдир. Суннат Муҳаммад (САВ)дан нақл қилинган ҳадиси шарифдар орқали шаклланган. Ҳадисларни йиғиб китоб шаклига келтириш пайҳамбаримиз вафотларидан кейин амалга оширилган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтита бўлиб, буларни имом ал-Бухорий, имом Муслим, имом Абу Довуд, имом ат-Термизий, имом ал-Насоий ва имом ибн Можа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг 4 нафари ватандошларимиз эканлигини бутун ислом дунёси билади.

Имом Бухорийнинг «Ал Жомеъ ас-саҳиҳ» деб номланган 4 жилддан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган тўпламлар орасида энг ишонарли ва мукаммалидир. Имом Бухорийнинг ушбу асари кишиларда ахлоқ-одоб, халллолик, ростгўйлик, поклик сингари умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Буюк муҳаддислардан яна бири азиз ватандошимиз Абу исо Муҳаммад ат Термизийдир. Ат-Термизийнинг фикҳ бобларига мослаб тасниф қилган «Сунан» номли китоби «Ал жомеъ ас-саҳиҳ» деб ном олган. Ат-Термизий Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари, давлатчилик қонун-қоидалари ва қадимги диний эътиқодларни исломга мослаштирилган ҳолда сингдиришда катта хизмат кўрсатган. «Алломанинг асрлар давомида фозилу-фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу-одоб, инсофу-диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердалғов давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади».

Бугун ер юзида 1 млрд 500 млн.дан ортиқ киши ислом динига эътиқод қилади. Ислом оламида энг кўп тарқалган мазҳаб ханафия мазҳабидир. Барча мусулмонларнинг 80%ча қисми ханафия мазҳабадирлар. Туркий диндор халқларнинг деярли кўпчилиги ўзбеклар, турклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татарлар, бошқирдлар шу мазҳабадирлар. Бу мазҳабнинг асосчиси Абу Ханифа ан-Нуъмон бўлиб, таҳаллуси имом Аъзам, яъни буюк имомдир. У ислом оламида буюк мужтаҳидлардан бўлиб, шариат ҳуқуқини тартибга солган. Абу Ханифа фикҳ масалаларини ҳал қилишда «асхаб ар-раъй» (фикр тарафдорлари)нинг асосчиси бўлган. Буюк имом маҳаллий ҳуқуқ-қоидаларни шариат билан келиштириб қўллашни жорий этган. Абу Ханифа шариатнинг асосий манбалари – Қуръони

Карим ва хадисларга амал қилиш билан бирга эркин фикрга, яъни жамоат яқдиллик билан қабул қилган қарорга асосланиб, Қиёс ва Ижмоъни кенг қўллаган. У ўз йўлини ишлаб чиқишда Муҳаммад (САВ)нинг «Динда енгиллик бўлсин» деган сунналарига амал қилганлар. Мужтахид имом Шофиъийнинг таърифига кўра имом Аъзам бирон нарсани исбот этиш учун бор моҳаратини ва истеъдодини сарфлаган. Бошқа мазҳаблардан фарқли ўлароқ христиан ва яҳудийларга мўътадиллик нуқтаи назарида турган. Ханафия мазҳабининг мусулмонлар оламида кенг тарқалишини 2 та асосий сабабини кўрсатиш мумкин:

1. Шариат қонунларини ишлаб чиқишда маҳаллий ҳукмдорлар қабул қилган қонунларга таянган.

2. Маҳаллий урф-одатларни ҳисобга олган.

Асосийси, бу мазҳаб қонунлари ҳаммабоп, қулай ва бошқа мазҳаб қонунларга қараганда нисбатан юмшоқлиги туфайли ҳам маҳаллий элатлар орасида кенг тарқалган.

Тасаввуф - инсонларни ҳалолликка, покликка, ижтимоий тенгликка риоя қилишни тарғиб этувчи таълимот. Бу таълимот намояндларининг фикрича Тангри Таолога қуруқ, кўр-кўрона мутъеликнинг ҳожати йўқ. Худо ғазабидан кўрқибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир. Шунинг учун суфийлар «Оллоҳни жон дилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш кўнглиги нафсу-ғубордан поклаб ботиний мусаффо бир ҳолатда илоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қилади».

Марказий Осиёда тасаввуфнинг тарқалиши шайх Абу Ёқуб Юсуф ал-Ҳамадоний номи билан боғлиқдир. Юсуф Ҳамадоний мактабини Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ва Шайх Аҳмад Яссавийлар давом эттиришган.

Хожа Аҳмад Яссавий Қозоғистондаги Чимкент вилоятида туғилган. Болалигида у Арслонбоб исмли машҳур шайхнинг дуосини олган. Хожа Аҳмад Яссавий дастлабки илмни Бухорои шарифга бориб машҳур шайх Юсуф Ҳамадонийдан олган ва унинг учинчи халифаси бўлишга эришган. Юсуф Ҳамадоний вафотидан кейин муридларини Абдуҳолик Ғиждувонийга қолдириб Яссига қайтган.

Яссавия тариқатида ханафия мазҳабига амал қиладилар. Унда рухий осойишталикка, камолотига пирнинг раҳнамолигида боришга даъват қилинади. Хожа Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур ўринбосари Ҳаким Ота, яъни Сулаймон Боқирғоний бўлган.

Нақшбандия асосчиси – Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳақиқий шайхи-Абдуҳолик Ғиждувоний ҳисобланади.

Нақшбандий сўфийлар дастлаб тарки дунёчилик ва фақирликни, барча мажудотларга муҳаббат билан қараш ғояларини тарғиб қилганлар. Ўзлари ҳам зохидлик ва фақирликда яшаганлар. Кейинчалик уларнинг мафкураларида ўзгариш рўй берган, яъни ҳаққа етиш учун тарки дунёчилик билан эмас, балки ижтимоий ҳаётда фаол иштирок етиш зарур деб тарғиб қилинган.

Бу тариқатда хилватда шухрат бор, шухратда эса офат бор, деб хилватга кўнам раҳбат кўрсатилмайди. Шу боис унда суҳбат, халқ билан аралашиб, уларнинг дардларига шерик бўлиб, ҳақ розилиги йўлида халққа хизмат қилиш муҳим ўрин тутди.

Хазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Зохирда халқ билан ботинда ҳақ билан» ва «Дил ба ёри даст ба қор» деган шиори бу тариқат тутган асосий йўлни билдиради. Тасаввуф ахли барча динлар ва мазҳаблардан юқори турганлар улар мазҳаблараро тортишувларни беъмани ва беҳуда нарса деб билганлар. Кўриниб турибдики, мовароуннаҳрлик мутафаккирларнинг ислом дини ривожига қўшган ҳиссалари беқиёсдир.

Шўролар замонида «дин-афъюндр» деган сохта қараш кишининг онгига сингдирилган. Руҳонийлар, дин пешволари тўғрисида нотўғри тасаввурлар шакллантирилган. Тўғри, ҳар бир соҳа кишилари орасида бўлгани каби руҳонийлар орасида ҳам чала муллалар, имони суст, сўзи билан қилмиши турлича кимсалар бўлган. Лекин художўй асл уламолар доимо халқ манфаати ва ислом дини равнаки учун яшаганлар. Мир араб Абдулла Саброний, Нажмиддин Кубро она Ватан ҳимояси учун қўлига қурол олиб, мардона жанг қилиб шаҳид кетган.

Республикамиз мустақилликка эришгач ислом қадриятларига ҳолисона, ҳақиқатгўйлик билан қаралмоқда. Исломга ёт қарашлардан тозаланиб, асл ислом қадриятлари тикланмоқда.

Ислом динининг Марказий Осиёга тарқалиши бир қанча ижобий қадриятларнинг вужудга келтирди.

Улар қуйидагилардан иборат:

1. Марказий Осиёда содир бўлиб турган ўзаро урушларга барҳам берилди ва ўлка ягона халифаликка бирлаштирилди;

1. Ислом дини фалсафада, илоҳиётда, хурфикрликда янги ижобий ўзгаришлар пайдо бўлишига сабаб бўлди;

2. Маданиятда ҳам ислом таъсирлари кучли бўлди. Болаларга таълим беришда диний илмлар билан биргаликда дунёвий илмлар ҳам ўқитилди.

3. Ислом дини меъморчиликка ҳам ижобий таъсирини ўтказди. Диний меъморчилик обидалари халқ томонидан бунёд этилган бўлсада, дин йўлида диннинг манфаатига, эҳтиёжларига мослаб қурилди.

Бундан ташқари ислом динининг ижобий таъсири амалий санъатда ҳагтотлик ва хуснихат санъатида фольклор, наср ва шеърятда ҳам анчагинадир. Инсон-табиатан тузалишдан кўра, бузилишга мойилроқ хилқатдир. Одам Ато ва Момо Ҳаво замонларидан бошлаб шундай бўлиб келмоқда. Шунинг учун одамзодни доимо эзгуликка чорлаб, яхши хулқ атвора эга бўлишига ундаб, ёмон нарсалардан тийилишига даъват этиб турмоқ шарт. Шу маънода диннинг, жумладан ислом динининг хизмати бекиёсдир.

Президент И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда: «Дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан ҳолос бўлишга чоралаган. Уни оғир синовларга бардош беришга ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру-оқибатли қилган». Ҳар бир жамият ўтмиш маданий меросини қандай бўлса-шундайлигича, кўр-кўрона қабул қилмайди. У маданий мероснинг бугун ва келажак учун хизмат қиладиган қисмини ўзлаштиради. Диний хурофот ва бидъатларнинг бизга зарурати йўқ. Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби буюк маърифатпарвар аждодларимиз тафсири тахлили, талқини, таркибидаги ислом дини, Имом Аъзам ва Бурхониддин Марғиноний ёритиб берган шариат йўли ўзбек халқи учун ҳақиқий миллий ва умуминсоний қадриятлардир. Бўлғуси баркамол авлодни мамлакатимиз тараққиётини ушбу олийжаноб ва умрбоқий қадриятларсиз тасаввур қилиш қийин.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Қуръони Карим. –Т.: Чўлпон, 1992.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.–Т.:Ўз, 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.“Ўзбекистон”, 2003.
4. “Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар” тўғрисидаги қонуни. // “Халқ сўзи”,1998 йил, 1 май.
5. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. Т., 1996, 2-китоб, Т., 2000.
6. Мусулмоннома. -Т., 1992.
7. Имом ал-Бухорий. Ҳадис. 4 жилдлик. 1991.
8. Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафнинг тарихи. Т., Мовароуннаҳр, 1995.
9. Мухтасар (шариат қонунларига қисқача шарҳ) Т., 1994.
10. Мўминов А. Имоми Аъзам. Абу Ханифа, //“Мулоқот”1994,7-8 с.
11. Шокиров Ю. Ислом шариати асослари. Т., 1992.
12. Абдурахманов А. Саодатга элтувчи билим. –Т.: 2003.

Тузувчилар: доц. Т.Ҳамроев, ўк. Д.Тожибоева

### 3. Диний экстремизм ва терроризм – жамият барқарорлигига таҳдид

#### **РЕЖА:**

1. Диний экстремизмнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва кўринишлари.
2. “Ислом фундаментализми”. Диний экстремизм ва халқаро тер-роризмнинг гоявий ва молиявий манбалари.
3. Ислом фундаментализми ва диний экстремизмни олдини олишнинг мафкуравий омиллари.

#### **1.**

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб жаҳон миқёсида халқаро терроризм ва диний экстремизм умумбашарий муаммолардан бирига айланди. Умумқирғин курулларига қарши кураш, экологик хавфсизлик, СПИД ва бошқа умумбашарий муаммолар халқаро терроризм ва диний экстремизм муаммоси олдида ип еча олмайдиган масалалар бўлиб келди. Бугунги кунларда диний экстремизм ва халқаро терроризм инсоният қалбига санчилган зирапча каби бутун тинчликсевар, тараққийпарвар кучларни безовта қилмоқда, уларга азоб бермоқда.

2001 йил 11сентябрида АҚШдаги портлатишлар, 2004 йил Россиянинг Беслан шаҳрида содир бўлган фожиали воқеалар, юрти-мизда 2004 йил 30-31 мартада амалга оширилган террор ҳаракатлари халқаро терроризмнинг ва унинг мафкуравий ўзаги – диний экстремизмнинг қанчалик шафқатсиз ва ғайрининсоний ҳодиса эканлигини яна бир қарра исботлади.

Хўш, “экстремизм” нима, унинг “диний экстремизм” билан умумий томони ва фарқи нимада, хусусан, “диний экстремизм”нинг моҳияти ва мақсади нима? – деган саволларга жавоб беришга тўғри келади. Ушбу саволларга жавоб бериш орқали экстремизмнинг асл моҳиятини билиб олишгина эмас, балки экстремистик ғояларни тарафдорларининг психологик портретини ҳам таниб олиш имконияти пайдо бўлади.

“Экстремизм” сўзи аслида лотинча “extremum”, сўзидан келиб чиққан бўлиб, “кескин фикрларни билдириш”, “фавқуллоддаги усул-лардан фойдаланиш”, деган маънони англатади.

Аслида экстремизм уч асосий кўринишда бўлади: ижтимоий, сиёсий ва диний экстремизм. Таъкидлаш жоизки, диний экстремизм фақат ислом динига хос бўлган хусусият эмасдир. Фундаментализм каби экстремизм ҳам жаҳоннинг барча динларида учрайди. Диний экстремизм христиан (насронийлик) динида ҳам тарихан мавжуд бўл-

ган. Масалан, иезуит ордени, католиклар протестантларга нисбатан экстремистик йўл тутганлари ўрта асрлар Ғарб тарихидан маълум. Минглаб протестантлар ўрта асрларда иезуит ордени тарафдорлари томонидан жисмонан кириб ташланганлар. Ўрта асрларда бўлиб ўтган салиб юришлари ҳам ўз моҳияти ва мақсадига кўра экстремистик руҳда ва мақомда бўлганлигини тарих исботлайди.

Экстремизм касаллигидан ёхудийлик, хиндуизм, синтоизм ва бошқа миллий динлар ҳам озод эмасликларини шу кунларда жаҳоннинг турли минтақаларида одир бўлаётган диний низолар исботлаб турибди. Масалан, исроил-фаластин мажоралари, Кашмир воқеалари, Шри-Ланкадаги “Элай Ламани озод этиш йўлбарслари” террорчи-экстремистлар фаолияти, Япониядаги “Аум сенрикё” мазҳаби тарафдорларининг қилмишлари ёки Россиянинг Владимир, Москва ва Николаев шаҳарларида ин курган “Оқ биродарлар” – “Муқаддас дева Мария” экстремистик гуруҳи ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бу фактлар билан ислом экстремизмини оқлаб бўлмайди, албатта. Халқимиз айтганидек, “оқ ит, қора ит, барибир ит”, яъни экстремизм қайси дин доирасида бўлмасин, моҳиятан бир асосга – диний мутаассибчилик, жаҳолат, жангарилик, эгоизм ва такаббурлик ғояларига таянади.

Диний экстремизм умуминсоний хавфга айланишининг қатор сабаблари мавжуд. Айрим ўқув-услубий тавсияномаларда таъкидланишича “ислом экстремистларининг пайдо бўлишидаги асосий сабаблардан бири, Европа давлатларининг Осиё, Африкани босиб олиб таллаши, босқинчилик сиёсатидир”<sup>5</sup>. Ушбу фикрларга фақат қисман қўшилиш мумкин. Чунки бугунги Европанинг бирон бир давлати Осиё, Африка ёки жаҳоннинг бошқа бир давлатида босқинчилик сиёсатини олиб бормаяпти. Аксинча, Европа Иттифоқи, айниқса унинг нуфузли ташкилоти – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши (ЕХХК) нафақат Европада, балки бутун жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш сиёсатини олиб бормоқда, диний экстремизм ва терроризмни олдини олиш учун курашмоқда.

Диний омилларни таҳлил қилиш ва ёритиш махсус тадқиқот ўтказишни талаб қилади. Шу боис биз диний экстремизмни келтириб чиқарувчи асосий омилларни ёритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу омилларни “ташқи” ва “ички” омилларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Хўш, Ўзбекистонга диний экстремизм ғояларининг ёйилишига қўмаклашувчи ташқи омиллар нималарда кўринади?

<sup>5</sup> “Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи” махсус курсини ўрганиш бўйича методик тавсиялар. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1999 й., 52-бет.

Бизнинг фикримизча, ташқи омиллар тахминан қуйидагиларда кўринади:

1. Диний-экстремистик ғояларнинг глобаллашуви ва унга асосланган халқаро терроризмнинг Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига тортишига уриниши.

2. XX асрнинг 70-80-йилларида жаҳон миқёсида “ислом омилининг” кучайиш тенденциясининг шаклланиши.

3. Собиқ Иттифоқ ҳудудида ёш мустақил давлатларнинг қарор топиши билан уларга мафкуравий қизиқишларининг ортиб бориши.

4. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллардан сўнг “мафкуравий бўшлиқ”ни юзага келганлиги, коммунистик мафкура ўрнига янги мафкуранинг тикланиб улгурмаганлиги, мустақиллигимизнинг сиёсий аҳамиятини айрим шахсларнинг тушуниб етмаганлиги.

5. “Ярим ой белбоғи” мамлакатларининг диний умумийлик ғояси асосида ёш мустақил давлатни ўз таъсир доирасига тортишга ҳаракат қилиши ва ҳ.к.

Ушбу омилларни самара бериши учун хорижий исломий кучлар инсонпарварлик кўмаги ниқоби остида дунёвий муаммоларга эмас, кўпроқ диний муаммоларга (диний китоблар нашр этиш, масжидлар, диний хусусий мактаблар ва ҳ.к. қуриш, уларнинг нуфузи ва географиясини кенгайтириш) маблағлар сафарбар этишга муваффақ бўлдилар.

Диний экстремизмга олиб келувчи ички омиллар хусусида қатор фикр-мулоҳазалар мавжуд. Ички омилларга тахминан қуйидагилар кириши аниқ.

1. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида табиий равишда юзага келувчи ижтимоий ва мулкий табақаланиш омилининг шаклланиши.

2. Бозор муносабатларининг шафқатсиз қонуниятлари таъсири остида ишсизликнинг ортиб бориши, қўшимча иш жойларини шакллантириш имкониятларининг тобора чекланиб бориши.

3. Диний эътиқодга эркинлик берилиши, диний эътиқодга чанқов кишиларнинг турли мазмундаги диний билимларни фарқламай ўзлаштириши.

4. Пул қадрини ошиб бориши, ҳар қандай нарса ва муомала пул билан ўлчаниши ва ҳоказо.

Диний экстремизмни Ўзбекистон ҳудудида ёйилишига диний мутаассибчилик ва фундаментализм ғояларини илдиз отишга ҳаракат қилишлигида ҳам кузатиш мумкин. Диний фундаментализм худди зарпечак каби жамиятимизнинг соғлом организмига, айниқса ҳаётий тажрибаси кам, саводи ночорроқ ёш-яланг онгига ёпиша бошлади.

Чунки Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Ёшлар эса ҳар қандай жамиятнинг келажаги демакдир. Шунинг учун диний фундаментализм нафақат иш излаб юрган ёшларни, балки ўқув юртлари талабаларини ҳам ўз таъсир доирасига тортишга ҳаракат қилишди. Таъкидлаш жоизки диний экстремизм диний фундаментализм асосида юзага келади. Фундаментализм ғояси ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш диний экстремизм моҳиятини чуқурроқ тушуниш ва унинг ижтимоий хавфлилигини англаш учун асос бўлади.

## 2.

**“Ислом фундаментализми”.** Бу атамани кўштирноқ ичига олишимиздан мақсад – уни асл моҳиятини сақлаш, исломда азалдан вужудга келган икки асосий тенденция – консерватив ва модернистик ҳаракатларга нисбатан барқарорлигини таъкидлашдир.

“Ислом фундаментализми” атамаси сиёсий маънога эга бўлиб, у ислом ақидаларигагина эмас, балки унинг асл моҳиятига, фундаментал ғояларига нисбатан ҳам тажовуздир. Чунки, ислом дини буддизм, ёҳудийлик ва насронийлик динлари каби асл моҳияти билан эзгуликка асосланган бўлиб, кишиларни маънавий жиҳатдан яқдилликка, маънавий баркамолликка ундайди. Фундаменталистик тенденция барча дунёвий динларга хос хусусиятдир. Бироқ “фундаментализм” тушунчаси маълум сабабларга кўра фақат ислом динига нисбатан қўлланилмоқда. Аслида эса “фундаментализм” атамаси тарихан христиан дини билан боғлиқдир. Илмий манбаларга кўра у биринчи бор 1908 йили АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган “Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси” (The Conference on Cristian Fundamentals)да қўлланилган бўлиб, қуйидаги ақидаларни христиан дини учун “фундаментал”, яъни асосий деб исботлашга уринади:

1. Исо пайғамбарни бокира аёлдан дунёга келгани.
2. Унинг инсоният гуноҳларини оклаш учун қурбон бўлгани.
3. Унинг жисмонан қайта туғилиши.
4. Ер юзига жисмонан қайта келиши.
5. “Инжил”ни муқаддаслиги ва уни дастлабки соф ҳолга қайтариш лозимлиги.

Христиан дини каби ислом динида ҳам шунга ўхшаш ўзига хос фундаментал ақидалар мавжуд.

Оммавий ахборот воситаларида “фундаментализм” атамаси тажовузкор маънода ишлатилмоқда. “Ислом фундаментализми” деганда ислом динининг сиёсий ҳаётга аралашуви ва пировардида сиёсий ҳокимият учун даъво қилиши назарда тутилади. Адолат юзасидан шу



нарсани таъкидлаш жоизки, ислом динининг асл ақидалари ислом эътиқодидаги кишини итоатгўйликка, интизомга даъват этади. Жан-гарилик, ҳокимиятга даъво қилиш мусулмон эътиқодига эга киши учу нёт нарсадир. “Фундаментализм” тушунчасига сиёсий маъно бериш бизнинг назаримизча, айрим сиёсий кучларнинг куйидаги мақсадла-рига хизмат қилади:

- кишиларни мавжуд ижтимоий муаммолардан эътиборини чалғитиш, ислом хавфи билан кўрқитиш;

- халқаро миқёсда ислом динини халқаро терроризмнинг ғоя-вий таянчи деган салбий образини шакллантириш.

Бу мақсадлар асос эътибори билан Ўзбекистонда амалга ошири-лаётган кенг қўламли ислоҳотлар стратегиясига, ижтимоий ҳаётимиз-нинг конституциявий асосларига ва энг асосийси мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдек эзгу мақсадларга, динга оид сиёсатимизга бутунлай зиддир.

Иккинчидан – “фундаментализм” тушунчасини “терроризм” ва “экстремизм” тушунчалари билан бир қаторга қўйиш муайян ман-фаатларга хизмат қилади. Буни англамаслик миллий манфаатлари-мизга зид ҳолатларни юзага келтиради. Буни яққолроқ тасаввур қи-лиш учун куйидаги геополитик парадигмага мурожаат қилиш kifоя.

Маълумки, Совет Иттифоқини Афғонистон билан бўлган 10 йилдан зиёд уруши, Афғонистонда миллий мустақиллик учун кураш ва бу курашни тобора диний мафкура билан қуролланиши Ғарбда, хусусан Россияда “ислом тажовузкор куч”, деган тасаввурни вужудга келтирди. Айниқса, Тожикистондаги фуқаровий уруш, Афғонистон “Толибон” ҳаракатининг Шимолга қараб силжиши, қўшни Тожикис-тон чегарасига яқинлашуви Москвада умуман “ислом тажовузкор дин” деган тасаввурни туғдирди. Россиянинг ичида Чеченистоннинг миллий-озодлик ҳаракатини ҳам тобора диний тус олиши, бу ҳара-катда хорижнинг ёлланма кучларининг иштироки ислом динини мут-лақ зўравонликка даъват этувчи дин, деган нотўғри тасаввурни омма-вий онгда янада мустаҳкамлади.

Аслида эса ислом динини ва унинг “фундаментал” ақидаларини “зўравонлик”, “тажовузкорлик” каби тушунчалар билан аралаштириш ҳақиқатга тўғри келмайди. Буни собиқ Иттифокда ва қўшни Тожи-кистонда бўлаётган ҳодисаларни зимдан кузатиб бораётган айрим Ғарб мутахассислари ҳам таъкидлашмоқда. Хусусан, АҚШлик ислом-шунос Ж.Эспозито (Жоржтаун университети) айрим собиқ совет олимлари ва журналистларини фундаментализм тушунчасини сиёсий фаоллик, экстремизм ва фанатизм тушунчалари билан ноўрин ара-лаштириб юбораётганликларини таъкидлайди. (Қаранг: J.Esposito. The Islamic Threat. New York. Oxford University Press, 1992, p. 71).

Айтиш жоизки, ҳозирги замон ислом фундаментализми бир томондан ислом динининг асл моҳиятини сақлаб қолиш учун курашсалар, масалан, Эрон Ислом республикаси, Саудия Арабистони, иккинчи томондан реформистик ислом тарафдорлари бўлиб майдонга чиқишади. Масалан, ҳозирги Ливия давлати раҳбари Муаммар Каддафи ўзининг “Яшил китоби”да инсон ҳуқуқлари ҳақидаги универсал Декларацияда қайд этилган нормаларни ислом руҳияти ва турмуш тарзига фақат қисман мос келишлигини таъкидлайди.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, ислом фундаментализми мутлақ консерватив ғояларни олға сурмасдан реформистик ғояларга ҳам таянади. Масалан, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги буюк Қрим татар жадидчиси Исмоил Гаспар ўғли ислом ақидаларини сақлаб қолган ҳолда маориф ва маданиятни ислоҳ қилиш ғоясини олға суради. Ўзбек жадидчилари Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Боту, Усмон Носир ва бошқалар ҳам асло ислом динидан қайтмаганлар, улар ислом динининг асл ақидалари асосида янгича маориф тизими тарафдорлари бўлиб майдонга чиққанлар, уларни болшевиклар қатағонига дучор бўлишларининг сабаби ҳам ана шунда – улар дахрийликни қабул қилмаганлар, ислом эътиқодига содиқ бўлиб қолишган эди.

Шунинг учун ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари томонидан ислом дини ҳақидаги “имидж” (образ) асосан Ғарбда ва Россияда “ислом фундаментализми” ва “ислом экстремизми”, “терроризм” каби ноўрин тушунчаларига асосланиб яратилмоқда. Айрим Ғарб сиёсатдонлари “фундаменталист”, “вахҳобий” деган тамғалар билан ислом ақидаларини сақлаб қолган ҳолда демократик сиёсий тизимларни шакллантириш тарафдорларини обрўйини тўқмоқчи бўлишади. Бунга ёрқин мисол, ҳозирги Тожикистоннинг собиқ мухолифот кучлари вакили Акбар Туражонзода сиёсий фаолияти ҳисобланади. Тожикистонда биродаркуш урушни, хунрезгиларни вужудга келишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда – мамлакат аҳолисини “фундаменталист”, “вахҳобий” ва ваҳҳобий бўлмаган мусулмонларга бўлиб юбориш, аҳолини бир қисмини бошқа бир қисмига қарама-қарши қўйиш, ўзаро низо чиқариш тактикаси ва ўзини мухолифот кучларни яраштирувчи кучга айлантириш сиёсатининг, чет давлатлар геополитик манфаатларининг мавжудлигидир. Бундай сиёсат ва манфаатлар орқасида ким ва қайси давлатлар турганликлари қўпчиликка аёндир. Умуман олганда авторитар, харизматик сиёсий тизимлар ва тартиблар тарафдорлари ўз умрини узайтириш учун демократик жараёнларни тезлашувига, маҳаллий халқнинг муқаддас диний эътиқодлари билан демократик институтларни яқинлашувига турли йўллар билан қаршилик кўрсатади, халқни мифологик “фундаменталистик” хавф билан қўрқитмоқчи, таҳликага солмоқчи, дин аҳли ўртаси-

да низо чиқармоқчи ва бу билан жамиятда бозор муносабатларига ўтиш давомида тўпланиб қолган қатор долзарб ижтимоий муаммолардан (ишсизлик, аҳолининг кўпчилигининг турмуш даражасини тобора пасайиши, ночорлик ва ҳ.к.) чалғитишга, “фундаментализм”, “вахҳобий” ва бошқа тамғалар воситасида ҳар қандай норозиликни, мухолифотни тағ-томири билан ижтимоий воқеъликдан суғуриб ташлашга ҳаракат қилади. Бу эса мустақил тараққиёт йўлига кирган, жаҳон ҳамжамятида ўз ўрни учун курашаётган ёш давлатлар учун жуда қимматга тушади. Жангарилик, тажовузкорлик ва ғарбона термин билан ифодаланганда “экстремизм” ва “терроризм”да христиан дини ҳам бошқалардан қолишмайди. Масалан, Шимолий Ирландияда (Ольстер) христианлик динининг католик ва протестант кўринишлари ўртасида террористик, экстремистик ҳаракатлар мана чорак асрдан зиёд давом этиб келмоқда. Террористик актлар буддизм динининг айрим мазҳаблари томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, Японияда синтоизм дини мазҳабларидан бўлмиш “Аум Сенрикё” маслакдошлари томонидан Токио метросида амалга оширилган террористик акт ва бу мазҳабнинг Россиянинг қатор шаҳарларида тарафдорларининг мавжудлиги оммавий ахборот воситалари хабарларидан кўпчиликка маълум. Шунинг учун “фундаментализм” тушунчасига салбий маъно бериш ва уни ислом динига ёпиштириш диннинг асл моҳиятига зид ҳисобланади.

Шубҳасиз, ҳар қандай динда тажовузкор, ғайридиний ва ғайринсоний мазҳаб ва оқимлар ҳам учрайди. Булар қаторига юқорида тилга олинган “Аум Сенрикё” билан бир қаторда бир вақтлар араб дунёсида тажовузкорлиги билан танилган мисрлик “Мусулмон биродарлари”, “Ал-жамаа ал-исламия”, Фаластин, Иордания, Жазоир ва бошқа мамлакатларда қатъи таъсир кучига эга бўлган “Хезболлах”, “Фатх”, “Хамас” ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. Улар муайян даражада Исроил давлатини экспансиявийлик сиёсати ҳам қарши қаратилгандир. Бироқ бундан ислом дини асос эътибори билан тажовузкор дин, деган хулоса чиқариш, жаҳон халқларида ислом дини ҳақида салбий тасаввур яратиш нотўғридир.

Масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, тажовузкор, ҳатто жиноий фаолият кўрсатувчи оқим ва мазҳаблар православ динида ҳам мавжуд. Масалан, Украинанинг Киев ва Николаев, Россиянинг Владимир, Москва шаҳарларида 90-йилларда жинояткорона фаолият кўрсатган ўзини “Муқаддас Дева Мария” деб эълон қилган Мария Кривоногова ва Петр Кривоноговлар томонидан тузилган “Оқ биродарлик” номли диний мазҳаб фаолиятини кўрсатиш кифоядир. Бу мазҳаб тарафдорлари парапсихология ва медицинанинг методлари воситасида айрим содда кишиларни охир замонга ишонтиришга, реал

турмушдан юз ўтиришга даъват қилишади, жамиятда социал инфантиллик ғоясини тарқатишади.

Бундай қилмишлари учун “Оқ биродарлик” мазҳаби асосчилари Россия давлати Олий суди томонидан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. Православ динида кейинги пайтларда пайдо бўлаган бундай экстремистик мазҳаблар хавфини жамият учун қанчалик зарарли эканлигини Москва ва Бутун Русь православ черковининг патриархи митрополит Алексей II жаноби олийлари ҳам қоралайди. У “Оқ биродарлик” мазҳаби даъватчилари психотроп воситалар ёрдамида шахс ўзлигини бўғайди ва уни диний даъватнинг иродасиз “зомби” сига айлантиради” – деб таъкидлайди.

Диний экстремистик, сепаратистик ғояларни олға сурувчи кучлар буддизм, ламаизм, хиндуизм динларида ҳам мавжуд. Шри-Ланкадаги “Илай Ламани озод қилиш йўлбарслари”, Кашмирда фаолият кўрсатувчи сепаратистик кучлар ҳам у ёки бу даражада диний экстремистик хусусиятга эга.

Хулоса шундан иборатки, дин қайси шаклда бўлмасин асл моҳияти билан эзгулик, инсонпарварлик, ҳалоллик, адолат ва тинчлик ғояларини ўз асосига олади. Шунинг учун “фундаментализм” тушунчасини “экстремизм” ва айниқса, “терроризм” тушунчаси билан алмаштиришга ёки айнанлаштиришга уриниш айрим сиёсий гуруҳлар ва сиёсий кучларга қўл келади. Буни англамаслик нафақат дин обрўйига, балки мамлакат ва халқ обрўйига, маънавиятига зиён келтиради.

Диний экстремизм ва терроризмнинг нафақат турли бузғунчи ғояларга таяниши, балки муайян молиявий манбалардан моддий ёрдам олишлиги террористик хатти-ҳаракатларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш учун сарфланадиган ҳаражатларнинг тахминий ҳисоблашлар кўрсатиб туради. Терроризмни молиялаштиришга қарши халқаро конвенцияни қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. Террор хатти-ҳаракатларини амалга ошириш учун террорчилар муайян ва мунтазам пул маблағларига эҳтиёж сезишларини Ўзбекистон Президенти И.Каримов турли халқаро анжуманларда ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Масалан, Президент И.Каримов Шанхай Ҳамкорлик Кенгашининг саммитида сўзлаган нутқида “бугун аниқ айтиш мумкинки, агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро террорнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз, халқаро террорнинг молиявий таянчидир”<sup>6</sup>.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, терроризмнинг молиявий манбаларига қарши кураш, унинг ўзига қарши курашдан мураккаброқдир. Чунки биринчидан, террористик хатти-ҳаракатлар бошқа халқа-

<sup>6</sup> Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001, 385-бет.

ро жинойй хатти-ҳаракатларга нисбатан кўпроқ молиявий ҳаражатларни талаб қилади. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, АҚШда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган террористик ҳаракатга тахминан 500 минг АҚШ доллари сарфланган. Оддий террор ҳаракати учун тахминан 10 минг АҚШ доллари сарфланиши мумкин.

Халқаро терроризмнинг молиявий маблағлари асосан қорадори етиштириш ва уни турли мамлакатларга пуллаш эвазига тўпланади.

БМТнинг кўкнори уруғини ноқонуний экилишини назорат қилишга доир мониторингига кўра, 2003 йили Афғонистон жаҳон қорадори етиштириш умумий ҳажмини 75 фоизини эгаллади. Афғонистонда расмий ҳокимият бўлмас экан, кўкнори етиштириш бу ҳудудда камаймаслиги аниқ. Шунинг учун халқаро ҳамжамият тезроқ бу ерларда тартиб-интизом ўрнатилишини, расмий ҳукумат тезроқ тузилишини ва масъулиятни ўз зиммасига олишини кутишяпти. Бироқ мамлакатдаги бош-бошдоқлик, ким нима хоҳласа, шуни қилишлиги, қишлоқ ҳўжалигида ҳеч қандай давлат назоратини йўқлиги айрим сохта тадбиркорларга қўл келмоқда, улар кўкнори етиштириш ҳисобига ноқонуний даромад олишмоқда. Хўш, буларни терроризмга қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши табиийдир. Гап шундаки кўкнори етиштириш турли наркобаронлар томонидан, Афғонистонда эса турли экстремистик гуруҳлар, хусусан халқаро террорчи Усама бин Ладен кўкнори бизнеси билан шуғулланади, қорадорини турли мамлакатларга етказиб бериб, у ерлардан мўмай даромад олади. Бу даромадлар турли халқаро террористик ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, террорчиларни ёллаш ва террор хатти-ҳаракатларини уюштириш ва амалга ошириш учун ишлатилади. Терроризм айрим жисмоний шахслар, фирма ва банклар томонидан ҳам хуфёна равишда қўллаб-қувватланаётгани кейинги пайтларда равшан бўлиб қолмоқда.

### 3.

Оммавий ахборот воситалари томонидан, айниқса айрим Ғарб матбуоти томонидан ташвиқот этилаётган “ислом терроризми”, “ислом экстремизми” деган ибораларнинг орқасида яширинган сиёсий манфаатлар ва сиёсий мақсадларни яхши англаш халқимизнинг азалий қадрияти бўлмиш диний қадриятларга, диний эътиқодга, фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқларига тажовуз этишга олиб келувчи хатти-ҳаракатлардан тийилишга олиб келади.

Ҳукуматимиз томонидан олға сурилган “Жаҳолатга қарши маърифат!”, “Ғояга қарши фақат ғоя!” – шиорининг асл мақсади ҳам шунда – турли тескари ғоялар, айрим зиддиятли вазиятлар таъсирида фуқароларимизнинг адашган, жоҳил ёки ҳақиқий диний эътиқод ҳақида саводи бўлмаган намоёндаларини тўғри йўлга солиш, диний

экстремистик ғояларнинг халқимиз тарихан эътиқод қилиб келган ханафия мазхаби таълимотига зидлигини ўз вақтида тушунтиришга эришишдир.

Ислом динидаги фундаменталистик ғояларга нисбатан “радикализм”, “консерватизм” ва бошқа терминларни қўллаш ҳозирги кундаги матбуотда ва илмий оммабоп адабиётда одат тусига кириб бормокда. Фундаменталистик ғоялар исломда “усуул ад-дийн” термини орқали ифодаланади. Ислом моҳияти бўйича чаласаводлик, жаҳолат кўп ҳолларда ислом динининг асл қадриятларига нисбатан тажовузга, уларни ноўрин равишда экстремизм ва терроризм билан айнанлаштиришга олиб боради<sup>7</sup>.

Бу нарса нафақат ислом динига, балки Ўзбекистон Республикаси томонидан диний эътиқодга нисбатан олиб борилаётган изчил сиёсатга ҳам зарар етказадиган, давлат ва халқ ўртасида маънавий девор пайдо бўлишига, ҳукуматимиз обрўини тўкилишига олиб келади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, диний эътиқодга нисбатан ўз сиёсатини тубдан ўзгартирди. Ўзбек халқининг азалий қадрияти дин ва унинг буюк сиймолари улуғланди, халқимизнинг асрий орзулари ушалди. Президент И.Каримов ташаббуси билан ислом динига салмоқли хисса қўшган буюк сиймолар – Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом Исмоил Бухорий, Мотрудий, Марғилоний, Фарғоний каби дин ва илм пешволарининг номлари қайта тикланди, уларнинг ҳокларини улуғлаб, улкан мажмуалар бунёд этилди. Ислом динини дунёвий жихатдан ўрганиш учун Тошкент Ислом университети ташкил этилди.

Ислом динининг муқаддас китоби – Қуръон ўзбек тилига таржима қилинди, ҳар бир фуқаро мазкур диний манбаадан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди.

Президент Ислом Каримов Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг ислом динига оид сиёсатининг моҳиятини ва мақсадини ёритиб шундай деб таъкидлайди: “Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиа, энг оғир даврларида ҳам, мустаабид тузум чангалида бўлганимизда ҳам, бизни динимиздан айиришга, унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганида ҳам ота-боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган. Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори, динимизни доимо соф ва пок сақлашга интилиб

<sup>7</sup> Қаранг: В.Акаев. Исламский фундаментализм на Северном Кавказе: миф или реальность. – Жур.: Центральная Азия и Кавказ. № 3 (9) 2000. Стокгольм.

келганмиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман”<sup>8</sup>.

Дин ниқобида юрувчи кучларни билимсизлик, жоҳиллик билан ёки жисмоний куч билан енгиб бўлмайди. Бунга конкрет мисол бўлиб ҳозирги Чеченистонда содир бўлаётган воқеалар хизмат қилиши мумкин.

Россия Конституциясига зид хатти-ҳаракат қилаётган чечен сепаратистлари ислом дини ниқоби остида Чеченистонда ислом давлатини барпо этиш учун ҳаракат қилмоқдалар, бу ишга ислом давлатларини ҳам тортмоқдалар. Бу ўринда чечен сепаратист-исёнкор кучларининг етакчилари Аслан Масхадов, Шамил Басаев, Мовлуди Удугов ва бошқаларнинг маслақдошларидан бирининг чет эл журналистларига берган интервьюсида билдирилган фикрларни эслаш лозим. Чечен жангариси айтишича Россия федерал қўшинлари Чеченистон ва чеченларга қарши эмас, балки ислом динига қарши курашмоқда эмиш. Бундай риёкорлик тагида машъум режа ва сиёсий мақсадлар яширинганлигини жаҳон сиёсий жараёнлари, хусусан диний муносабатлардан озгина хабардор бўлган киши дарҳол англаб олиши мумкин. Чечен сепаратист кучлари ўз мақсадлари йўлида муқаддас ислом динини эмас, балки унинг бузук, жангари оқими – ваҳҳобийликни ўзларига мафкура, ғоявий дастур қилиб олишган. Аслида эса ваҳҳобийлик Чеченистон аҳолисининг кўпчилиги эътиқодига зид таълимотдир. Чеченистонда Марказий Осиё давлатларида бўлгани каби суннизм, хусусан суфизм ва турли авлиёларни улуғлаш удуми мавжуд. Ваҳҳобизм эса суфизмни, турли авлиё ва пирларни ортодоксал исломга зид, деб билади. Ваҳҳобийликни фундаментализм билан айнан бир нарсa, дейиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди.

Шу маънода Афғонистон ва Эрондаги диний экстремистик оқимларни ислом фундаментализми ва ваҳҳобийлик билан аралаштириб юбориш ҳам нотўғридир. Чунки Эронда ханафия эмас, балки ҳамбалия диний йўналиши мавжуд бўлиб, у суннизмга бутунлай қарама-қарши бўлган йўналишдир. Эрон халқи ислом динининг шиа йўналишига эътиқод қилади.

Жаҳон сиёсий сахнасида давом этаётган геополитик манфаатлар билан боғлиқ бўлган катта “ўйин”да минтақавий манфаат, миллий

<sup>8</sup> Президент Ислom Каримовнинг Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуитинг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи. // Ўзбекистон овози. 1998 й., 24 октябр.

манфаат ва айрим сиёсий етакчиларнинг шахсий манфаатлари орқасида яширинган сиёсатни фарқига бориш, кишига реалистик тасаввур олишга қўмаклашади. Сиёсий жиҳатдан лақмалик ва ишонувчанлик сиёсий калтабинликка ва мутъеликка олиб боради.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ва айниқса, уни олдини олишда маънавий ва мафкуравий тарбия катта ўрин тутди. Диний экстремизм ғоялари билан кўпинча дин ҳақида етарли маълумотга эга эмас, ишонувчан, дунёвий тараққиёт афзалликларини яхши англамайдиган кишилар заҳарланадилар.

Терроризм ва диний экстремизм айби билан тергов қилинган кишиларнинг кўрсатмалари айнан шу фактни тасдиқлади. Жамият учун йўлдан адашганларни жазога тортиш эмас, балки уларни ўз вақтида нотўғри йўлдан қайтариш, уларга турли бўлмағур бузғунчи ғояларнинг асл моҳиятини тушунтириш анча арзонга тушади. Қамаш, жазога тортиш билан адашган одамларни бу йўлдан қайтариб бўлмайди. Шунинг учун муҳтарам президентимиз “ғояга қарши, фақат ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” деган шиорни олға сураб экан, адашган кишиларни жарга итаришни эмас, балки уларни ҳаётини сақлаб қолиш, уларга ғамхўрлик қилиш, кечириш ва юсак инсонпарварлик муруватини кўрсатишни назарда тутди. Чунки бизнинг жамиятда инсон, унинг ҳаёти улуғланади, олий кадрият ҳисобланади. Диний экстремизм ва терроризм ғояси эса шафқатсизликка, тошмехрликка ва қонхўрликка ундайди. Бу ҳақиқатни англаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Т.:Ўзбекистон, 2003.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (Янги таҳрир)”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Адолат, 1998.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буқолмас иро-дасига боғлиқ. Т.: Ўзбекистон, 2004.
5. Азимов А.Религиознўй экстремизм и фундаментализм.Т., 1998.
6. Бахромов А. Ислои ва маърифат. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002.
7. Закурлаев А. Ғоялар кураши. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
8. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид.–Т.:Маънавият, 2000.
9. Раджапова М. Диний экстремизм ва терроричилик. Т.: 2000.



10. Қодиров А. Диний экстремизм–сиёсий ҳодиса. “Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари” Илмий-амалий конференция материаллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999.

11. Қодиров А. Шаҳидлик кўринишидаги терроризм. // Ҳуқуқ-Право-Law. Журнали, 2004 й., 2-сон.

12. Қодиров А. Глобал хавфсизлик ва терроризмга қарши курашнинг айрим сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари. “Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар” Халқаро конференция материаллари. Т.: 2002.

13. Қодиров А. Экстремизм – диний мутаасибчилик махсули. – “Тафаккур” журнали, 2004 йил, 4-сон.

14. Аҳмедов Д., Қодиров А., Бўриева М. Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги халқимиз ҳамжиҳатлигига ва буқилмас иродасига боғлиқ. (Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясидаги нутқини ўрганишга оид услубий тавсияномалар). Т., 2005 йил.

**Проф. А.Қодиров тайёрлади.**

#### 4. Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши

##### **РЕЖА:**

1. Аҳолини кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар: географик ва этномиллий тавсифлар.

2. Диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфи.

3. Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризм хавфини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлари, уларнинг асосий йўналишлари.

##### **1.**

Ҳозирги замонда ислом жаҳон узра кенг қулоқ ёзиб, тез тарқалиб бораётган дин ҳисобланади. Бунинг сабаби – тарихан бошқа жаҳон динлари – буддизм, христианликдан сўнг пайдо бўлган диний эътиқод сифатида, у ўзида ушбу динларнинг қатор ижобий хусусиятларини мужассамлантирганлигидир. Ислом дини нафақат Осиё, Европа ва Шимолий Африкада, балки Америка ва Австралия қитъаларида ҳам аҳолининг муайян табақалари томонидан эътиқод қилинади.

Ҳозир жаҳонда 6 млд.дан ортиқ киши яшаса, улар ичидан деярли 1,3 млд. киши ислом динига эътиқод қилмоқда. Мусулмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиёда яшайди ва бу қитъа аҳолисининг 20%идан ортиғини ташкил этади<sup>9</sup>. Африка қитъасининг тахминан ярмини (30%) мусулмонлар ташкил қилади. “Ислом” энциклопедиясида таъкидланишича, дунёда мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатдан 35 тасида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади. Шимолий Африка, Ғарбий Осиёнинг барча мамлакатларида (Кипр, Ливан, Исроил мустасно), Сенегал, Гамбия, Нигер, Сомали, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия ва бошқа баъзи мамлакатларда мусулмонлар аҳолининг ярмидан 80% игачасини ташкил қилади (Гвинея, Мали, Ливан, Чад, Судан).

Малайзия ва Нигерияда аҳолининг қарийб ярми, баъзи бир мамлакатларда мусулмонлар озчиликни ташкил қилса ҳам, таъсир доираси кучли (Гвинея-Бисау, Камерун, Буркина Фасо, Сьерра-Леоне ва бошқалар)дир.

Мусулмонлар сони энг юқори бўлган давлатларга Индонезия, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш киради.

Анча-мунча мусулмонлар Хитой, Таиланд, Эфиопия, Танзания, Кипр давлатларида яшайди. Мусулмонлар нуфузи Европанинг Хорватия, Босния, Албания, Буюк Британия, Германия, Франция, Бельгия,

<sup>9</sup> Қаранг: Ислом. Энциклопедия. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004 й., 113-бет.

Дания ва бошқа мамлакатларда ошиб бормокда. Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, мусулмон динига эътиқод қилувчилар Шимолий ва Жанубий Америкада жойлашган мамлакатлар – АҚШ, Канада, Аргентина, Бразилия, Гайана, Суринам, Тринидад ва Тобаго давлатларида ҳам мавжуд. Австралия қитъаси, Тинч океанининг Фиджи оролларида ҳам ислом динига эътиқод қилувчи фуқаролар истиқомат қилади.

Шундай қилиб, Ер шарى миқёсида мусулмонлар нуфузи жиҳатидан христиан динига эътиқод қилувчилардан сўнг иккинчи ўринда туради. Ислом дини жаҳоннинг қатор мамлакатларида давлат дини мавқеига ҳам эга. Масалан, Миср Араб Республикаси, Кувайт, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда ислом расмий давлат дини ҳисобланади. Айрим мамлакатларда давлат номи “ислом” сўзидан бошланади (Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Афғонистон Ислом Республикаси, Мавритания Ислом Республикаси).

Айрим мамлакатларда ислом дини ижтимоий ҳаётда юқори мавқеъга эга бўлганлиги сабабли, диний сиёсий партиялар фаолияти чекланмаган. Шу боис диний партиялар мамлакат ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга муваффақ бўлишади ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. Бунга мисол қилиб, Эронда “Ислом Республикаси партияси”, Индонезияда “Бирлик ва тараққиёт диний партияси”, Малайзияда “Панмалайзия ислом партияси”, Ҳиндистон ва Покистон “Жамоати ислом” партиясини олиш мумкин.

Ислом динининг мавқеи жаҳон миқёсида ошиб борилиши кузатилмокда. Бу борада XX асрнинг 70-80-йилларидан халқаро муносабатларда ҳукумат ёки ноҳукумат даражада фаолият кўрсатувчи халқаро мусулмон ташкилотлари катта ўрин тутди. Бундай ташкилотлар сирасига “Муназзамат ал-муътамар ал-исломи”, яъни “Ислом конференцияси” ташкилоти кирган бўлиб, у 1969 йилда тузилгандир. “Ислом конференцияси” халқаро ташкилотига жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакати аъзодир. Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу ташкилотга 1996 йилдан аъзо бўлди.

Мусулмон оламининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий муаммолари қатор ноҳукумат халқаро ислом ташкилотлари томонидан ҳам муҳокама қилинади. Бундай ноҳукумат халқаро ислом ташкилотларига “Ислом олами уюшмаси”, “Ислом олами конгресси”, Европа ислом кенгаши, АҚШ олий ислом кенгаши ва ҳ.к. ташкилотлар киради. Ушбу ташкилотлар асосан жаҳон миқёсида ислом динини ёйиш, ислом дини ғояларини тарғиб ва ташвиқ қилиш, турли мамлакатларда истиқомат қилувчи ислом жамоаларига ёрдам бериш, диний арбобларнинг халқаро учрашувларини ташкиллаштириш ва ҳомийлик қилиш каби ишлар билан шуғулланадилар.

Бирок бундай нуфузли ва обрӯли халқаро исломий ташкилотлар билан бир қаторда бузгунчи ғояларни тарғиб қилувчи, жангарилик, исломий анъаналарга зид ва муқаддас ислом динининг халқаро миқёсда обрӯсизлантирилишига “хисса” қўшаётган халқаро террористик диний ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Нафақат ислом динига, балки бутун жаҳонга ўзининг ғайриинсоний фаолияти билан хавф туғдираётган бундай айрим халқаро диний террористик ташкилотлар хусусида тўхтаб ўтамиз.

## 2.

### ***“Мусулмон биродарлари”.***

Ислом фундаментализмининг энг катта ва таъсир кучи бутун ислом оламига тарқалган ташкилотларидан биридир. 1928 йили мактаб ўқитувчиси Ҳасан ал-Банна (1948 йилда ҳалок бўлган) томонидан Мисрда тузилган “Мусулмон биродарлари” ташкилотининг асосий мақсади – жамиятни исломлаштириш ва исломий давлатни барпо этишдир. XX асрнинг 50-йилларидан “Мусулмон биродарлари” ташкилотининг асосий ғоявий даҳоси бўлиб, яна бир мактаб ўқитувчиси Саид ал-Қутб (1906 йилда туғилган) тарих саҳнасига чиқди.

Саид ал-Қутб 1948-49 йиллари биринчи араб-исроил урушининг гувоҳи бўлади. 1951 йили АҚШга ташриф буюради ва ал-Баннадан фарқли ўлароқ ўта радикал ҳулосаларга келади. У ҳозирги араб воқеълигида ислом ғояларининг ғалабасига эришиб бўлмаслигини, гўёки араб дунёси “жоҳилия” ҳолатида эканлигини, яъни бегона ғояларга таъсирчанлигини таъкидлайди.

Шунинг учун “биродарлар”, “жоҳилия”га қарши муқаддас урушни – «жиҳод» қилишлари лозим, деб фатво беради. Шундай қилиб, “жиҳод” ҳақиқий мусулмонларни “даҳрийлар”га қарши фуқаролик уруши, демакдир. Ал-Қутб бунинг учун алоҳида шиорни ҳам яратади: “Аллоҳ – идеал, Муҳаммад пайғамбар – доҳий, жиҳод – мақсадга эришиш воситаси, Аллоҳ учун қурбон бўлиш олий орзу”.

“Мусулмон биродарлари” ташкилотининг иш услуби – террордир. Шунинг учун уларнинг рамзида Қуръон устида ўзаро бирлашган икки қилич тасвирлангани бежиз эмасдир.

“Мусулмон биродарлари” ташкилоти 1954 йили Миср президенти Камол Абдел Носирга суиқасд уюштирганлиги учун Миср ҳукумати томонидан тор-мор этилади. Кўпчилик аъзолари қатл этилади, айримлари бошқа араб мамлакатларига қочиб улгуришади.

“Мусулмон биродарлари” ўтган асрнинг 60-йилларининг охири 70-йиллар бошларида яна тикланади ва халқаро мавқега эга бўлишади. Унинг штаб-квартираси Саудия Арабистонда жойлашгандир. “Мусулмон биродарлари” ташкилоти бугунги кунда ўта конспира-

циялашган хуфёна иш олиб борувчи халқаро экстремистик ташкилотдир. Унинг минтакавий гуруҳлари жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида мавжуд (Афғонистон, Бахрейн, Миср, Иордания, Яман, Катар, Қувайт, Ливан, Бирлашган Араб Амирлиги, Покистон, Сурия, Судан, Туркия, Буюк Британия, Дания, АҚШ, Франция, Германия, Швейцария ва ҳ.к.). “Мусулмон биродарлари” ташкилоти тизими ўргимчак тўрига ўхшаш бўлиб, қатор майда гуруҳларга (“жамоат ислами”) бўлинади.

Ҳар бир гуруҳни “амир” идора қилади. Мусулмон дунёсида “Мусулмон биродарлари”дан ташқари қатор бошқа халқаро террористик ташкилотлар ҳам мавжуд. Улар ичида бутун Яқин Шарққа ларза солаётган, деярли ҳар куни ўнлаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлаётган террористик ташкилотлардан “Ал-Фатх” (“Фаластин миллий озодлик ҳаракати”), ФАТХ (Инкилобий кенгаш ёки Абу Нидал ташкилоти), Фаластин озодлик халқ fronti, ХЕЗБОЛЛАХ, ҲАМАС, “Жаомат ул-Фуқра” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Айниқса, бутун жаҳонга таҳдид солаётган халқаро террористик ташкилот “Ал-Қоида” диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг энг йирик таянчидир. Биз бу ерда ушбу ташкилотлар таркиби, келиб чиқиш тарихи, ғоявий асосчилари, мақсадлари, кураш тактикаси ва стратегияси, нуфузи, қамрови ва географияси хусусида алоҳида тўхташ имкониятига эга эмасмиз. Чунки ушбу бўлимда диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфи хусусида тўхтаб ўтишни мақсад қилиб олганмиз.

Айтиш керакки, экстремизм ва терроризм мусулмон дунёсига, ислом динига чексиз салбий таъсир кўрсатмоқда. Юқорида эслатилганидек, агар ҳозир жаҳонда 6 млрд. дан ортиқ инсон яшаётган бўлса, унинг деярли 4/1 қисмини ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил этади. Диний экстремизм ва терроризм ислом дини моҳиятига ва мақсадларига батамом зид нарсадир. Бу ҳақда юқорида бир неча марта таъкидлаб ўтилди.

Ислом дини – инсонпарвар диний таълимотдир. Эзгулик, адолат, ҳалоллик ва яратувчанлик – ислом таълимотининг арконларидир. Бузғунчилик, қонхўрлик, шафқатсизлик, такаббурлик, эгоизм ва ҳ.к. иллатлар ислом эътиқодига нафақат қарама-қарши, балки батамом зид нарсалардир.

Афсуски, ислом никоби остида иш кўрувчи, ғаразли мақсадли айрим кишилар ислом дини обрўйини бутун жаҳон ҳамжамияти олдида ерга урмоқдалар, ислом динини агрессив, жангари диний таълимот деган салбий образини шаклланишига қўмаклашмоқдалар. Шунинг учун диний экстремизм ислом динини ҳимоя қилиш эмас, балки уни обрўсизлантириш, кучсизлантиришга олиб бормоқда.

Ҳозир Европада, Америкада, Жанубий Шарқий Осиёнинг номуслмон мамлакатларида ислом – терроризмнинг ғоявий ҳомийси, деган нотўғри тасаввурлар тарқалмоқда. Бу тасаввур ва тушунчалардан айрим сиёсатчилар ўз манфур мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи, мусулмон дунёсини бутун жаҳон ҳамжамиятига қарши қўймоқчи, динлараро тўқнашувни чиқаришга, инсониятни глобал миқёсда диний асосда уруш оловига итаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу – албатта, мусулмон дунёси учун ўта хавфлидир. Мусулмон дунёси ёки ислом цивилизацияси инсониятнинг ажралмас таркибидир. Ислом цивилизацияси инсониятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва илмий-техникавий юксалишига бекиёс хисса қўшганлиги тарихдан маълум. Буни Ғарб, христиан цивилизацияси намоёндалари ҳам аллақачон тан олишган.

Бутун мусулмон дунёсини Ғарб цивилизациясига қарши қўйиш, АҚШ Гарвард университетининг профессори Самуэл Хантингтон ибораси билан ифодалаганда “цивилизациялар тўқнашуви”ни яқинлаштириш – бутун инсоният учун хатарлидир. Аслини олганда, диний экстремизм ва терроризм бутун инсоният учун хавфдир. Уни ислом дини билан боғлаш нотўғри ва асоссиздир. Чунки диний экстремизм ва терроризм балоси нафақат ислом дунёсида, балки бутун жаҳонда ҳозирги кунда мавжуддир. Бундан кўз юмиш – адолат ва инсофга зиддир.

Масалан, Лотин Америкасидаги “Тупамарос” (Уругвай), Халқинқилобий авангарди (Бразилия) ёки “Сендеро Лумипосо” (Перу) ёки Европадаги “Қизил бригадалар” (Италия), ГРАПО (Испания), “Аксъон дарект” (Франция), Ку-Клукс-Клан (АҚШ), “ЭУСКАДИ ТА АСК-АТАСУНА” (ЭТА. Испания) ёки Осиёдаги “Тамил Эламани озод этиш йўлбарслари” (Шри Ланка), “Аум Сенрикё” (Япония) ва бошқа террористик ташкилотлар инсониятни мусулмон дунёсида фаолият кўрсатаётган террористик ташкилотлардан ўз шафқатсизлиги, жангарилиги жиҳатидан қолишмаётирлар. Шунинг учун диний экстремизм ва терроризм умуминсоний хавфдир, десак асло муболаға бўлмайди.

Уни фақат мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар билангина боғлаш – ҳақиқатга тўғри келмайди. Диний экстремизм ва терроризм – умумий хавф, инсоният бошига XX аср охири ва XXI аср бошларида тушган глобал ташвишдир.

### 3.

Мусулмон дунёси мамлакатлари диний экстремизм ва халқаро терроризм хавфига қарши курашда бутун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилмоқда, уни пайини қирқишга, зарарсизлантиришга ҳаракат қилмоқда. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Чунки мусулмон дав-

латларининг сиёсий арбоблари, зиёлилари ва оддий фуқаролари диний экстремизм ва терроризмнинг ғирром ва маккор кураш усули эканлигини, у инсониятга чексиз кулфатлар келтириши мумкинлиги-га кун сайин амин бўлмоқдалар.

Бу борада Саудия Арабистони раҳбари мухтарам шайх Фатх жанобларининг диний экстремизм ва халқаро терроризмга муносабатлари диққатга сазовордир. Ислом динининг инсонпарвар руҳи ва моҳиятини чуқур англаган, ислом таълимотини чуқур ва ҳар томонлама билган бу зот халқаро террорчи Усама бин Ладенни ўз мамлакатидан бадарға қилди, уни фуқароликдан маҳрум қилди. Чунки халқаро террорчи Усама бин Ладен (халқаро террористик ташкилот “Ал-Қоида”нинг асосчиси) шариат қонунларини поймол этди, инсонлар ҳаётига хавф солди, исломнинг диний бағрикенглик ғоялари ва анъаналарига хиёнат қилди, ислом динини бошқа жаҳон динлари олдида обрўсизланишига ҳисса қўшди. Саудия Арабистони давлат бошлиғи гарчи ваҳҳобийликни расмий мафкура сифатида эътироф этса-да, диний бағрикенглик сиёсатини амалга оширмоқда, дин нико-бидаги ҳар қандай экстремизмга қарши курашмоқда.

Мусулмон дунёсида ислом динини диний экстремизм ва терро-ризм хавфидан ҳимоя қилаётган яна бир давлат арбоби – Покистон Ислом Республикаси Президенти генерал Первез Мушаррафдир. Президент Первез Мушарраф Покистон Ислом Республикасини демократик жамият қуриш йўлига бошчилик қилмоқда. Бироқ айнан Покистонда турли диний экстремистик гуруҳлар ва секталар ҳам фао-лият кўрсатмоқда. АҚШ томонидан “Толибон” террористик ташки-лотига қарши Афғонистонда амалга оширилган ҳарбий операциялар-дан сўнг айрим жангарилар Покистон ҳудудида бошпана топди. Халқаро террорчи Усама бин Ладен ҳам айнан Покистон-Афғонистон чегара ҳудудларида яшириниб юрибди, деган маълумотлар ҳам бор.

Президент Первез Мушарраф бундай экстремистик террорчи гуруҳлар ва уларнинг ҳарбий лагерларини йўқ қилиш, халқаро тер-роризм вакилларини Покистонда бошпана топишига қарши чора-тад-бирларни амалга оширмоқда.

Диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши мусулмон дунё-сининг энг йирик давлати Миср Араб Республикаси томонидан ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мисрда диний экстремизм, радикал ислом тарихий анъаналарга эга. Бу ерда ўндан зиёд диний экстре-мистик ташкилотлар фаолияти кўрсатади ва ўта жангарилиги билан жаҳонда ном қозонгандир. Диний экстремизм Миср президентлари Камол Абдел Носир ва Анвар Саодатни мамлакатни дунёвий тарақ-қиёт йўлида ривожлантираётганлиги учун суиқасд қилишиб, ҳалок этдилар. Миср Араб Республикасининг ҳозирги президенти Хосни

Мубарекга қарши ҳам бир неча марта суиқасд уюштирдилар ва тасодиф билан Миср президенти тирик қолди. Ҳозир Миср президенти Хосни Мубарек мамлакатни модернизация йўлида, маърифий дунёвий давлат, демократик жамиятни шакллантириш йўлидан олиб бормоқда. Шу боис Миср Араб Республикаси танлаган тараққиёт йўли ҳар қандай ислом радикализмига зиддир.

Мисрда халқаро терроризм ва диний экстремизмни жиловлаш ва йўқ қилиш учун қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бундай ишлар қатор мусулмон мамлакатлари – Жазоир, Малайзия, Индонезия ва бошқа давлатларда ҳам амалга оширилмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бутун жаҳон мусулмонларининг нуфузли ва обрўли халқаро ташкилоти “Ислом конференцияси” ташкилоти ҳозирги кунларда халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфидан бутун инсоният билан бир қаторда ташвишга тушмоқда. Ушбу ташкилот БМТнинг терроризм, геноцид, расизм ва бошқа иллатларга қарши барча резолюциялари, конвенцияларини тан олади, уларга оғишмай риоя қилиб келмоқда.

Исроил-Фаластин асрий тўқнашувларига ҳам шу кунларда яқун ясалиши ҳам Фаластинда жойлашган ҲАМАС, ФАТХ ва бошқа халқаро аҳамиятга эга террористик ташкилотларнинг ҳам шахдини қайтармоқда, кирғинбарот урушдан ва террордан чарчаган ёҳудийлар ва араблар тобора тинчлик сари интилмоқдалар.

Ушбу воқеалар нафақат Яқин Шарқда, балки бутун жаҳонда терроризм ва экстремизм хавфини бир мунча камайтиради. Чунки террор ва экстремизм инсон табиатига зид иллатлардир. Буни кўпчилик тушуниб етмоқда ва экстремизм-терроризм хуружидан нафратланмоқда.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (Янги таҳрир)”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Адолат, 1998.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. Каримов И.А. Ватанизмнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қуд-ратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буколмас иродасига боғлиқ. Т.: Ўзбекистон, 2004.
5. Азимов А. Религиознўй экстремизм и фундаментализм. Т., 1998.
6. Бахромов А. Ислом ва маърифат. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002.
7. Зақурлаев А. Ғоялар кураши. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
8. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000.
9. Раджапова М. Диний экстремизм ва терроричилик. Т.: 2000.



10. Қодиров А. Диний экстремизм – сиёсий ҳодиса. “Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари” Илмий-амалий конференция материаллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси-ИИВ Академияси, 1999.

11. Қодиров А. Шаҳидлик кўринишидаги терроризм. // Ҳуқуқ-Право-Law. Журнали, 2004 й., 2-сон.

12. Қодиров А. Глобал хавфсизлик ва терроризмга қарши курашнинг айрим сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари. “Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар” Халқаро конференция материаллари.Т.: 2002.

13. Қодиров А. Экстремизм–диний мутаасибчилик махсули.– “Тафак-кур” журнали, 2004 йил, 4-сон.

14. Аҳмедов Д., Қодиров А., Бўриева М. Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги халқимиз ҳамжиҳатлигига ва букилмас иродасига боғлиқ. (Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясидаги нутқини ўрганишга оид услубий тавсияномалар). Т., 2005 йил.

**Проф. А.Қодиров тайёрлади.**

## **5. Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар**

### **РЕЖА:**

*1. Диний экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари.*

*2. Марказий Осиёда фаолият юритишга интилаётган диний экстремистик ташкилотлар.*

Ўзбекистон давлати истиқлолнинг тарихан қисқа аммо сермазмун йилларида адолат устуворлигига асосланган эркин, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда ўзбек моделига асос солди. Ўзбекистон ўзига хос йўлдан собит қадамлик билан бормоқда ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси бутун дунёда эътироф этилмоқда.

Аммо Марказий Осиё барқарорлик таянчи бўлган Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий юксалишига хавфсизлигига ва барқарорлигига очикдан-очик таҳдид солаётган дин никоби остидаги кучлар борки, уларнинг энг ашаддийлари кейинги йиллар ичида қўшни Тожикистон ва Афғонистон давлатларида уя қуриб, дунёнинг турли бурчакларидаши ашаддий террористик ташкилотларнинг моддий ва мафкуравий мададига таянган ҳолда ўз сиёсатини амалга оширишга уринмоқда.

Жаҳондаги давлатлар тажрибасидан маълумки, диний эътиқод эркинлиги таъминланмаган жамиятда маънавий юксалишда оқсоқлик юз беради. Собиқ шўролар тузум даври бунга мисол бўла олади. Ўша даврда диннинг таъкиб остида бўлиб келгани диний таасубни йўқотишга эмас, балки унинг илдизларини озиқлантирувчи хатарли омилларнинг кучайишига олиб келди.

Давлатимиз раҳбарининг энг мақбул сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири маънавий кадриятларни тиклашга катта эътибор қаратилди. Диний байрамларга оммавий тус берилди., телевидение ва матбуот томонидан диний масалалар тез-тез ёритила бошланди. Диний илм ва анъаналарга қизиқиш кучайди. Аҳолини миллий фаоллиги ўсди. Бундан эса ғаразли шахслар ўз манфаатларини амалга оширишда фойдалана бошладилар. Ноанъанавий ҳисобланган диний ҳаракат ва оқимлар пайдо бўлиб, тарқала бошлади. Хорижлик ҳомийлар экстремистик оқимларни маблағ ва диний адабиётлар билан таъминладилар. Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида уя қуриб олган. Республикаимизнинг барча ҳудудларида тарқалган. “Ваҳҳобий-

чилик”, “Ҳизбут таҳрир” каби гуруҳлар ватанимизнинг турли жойларида фитна-фасод уюштира бошладилар.

Давлатимиз ва умуман минтақамиздаги ахвол таҳлил қилинганда, 1991 йил Наманган воқеалари, Тожикистондаги биродарқушлик можаролари, Чеченистондаги урушлар, 1999 йилги Тошкент шаҳридаги террористик ҳаракатлар, Афғонистондаги гуруҳларнинг ички урушлари, Бесландаги дахшатли террористик актлар ва бошқаларнинг бир-бири билан узвий боғлиқ кенг миқёсдаги ва узоқ муддатли режанинг қисмлари эканлиги ва бу ҳаракатлар остида ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олиш, беҳисоб ресурсларни тасарруф этиш билан боғлиқ геополитик манфаатларни руёбга чиқариш кабилар ётганини пайқаш қийин эмас.

Инсоният тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган, XX асрнинг глобал, долзарб муаммосига айланган диний сиёсий экстремистик оқимларнинг деярли барчаси террорчиликка асосланиб, очикдан-очик ҳокимиятни эгаллаш илинжида ҳаракат қилмоқда. Ер юзидаги 200га яқин давлатдан 35 тасида мусулмонлар аҳолини кўпчилигини ташкил этадилар. 30 та давлат аҳолисининг деярли барчаси мусулмонлар ҳисобланади. Шуниси ҳам борки, диндорларнинг умумий сонига нисбатан жуда кам озчиликни ташкил этувчи диний экстремизм тарафдорлари айниқса ислом ниқоби остидаги турли экстремистик гуруҳлар ўзларининг террорчилик усуллари билан ажралиб туради.

Кўп адабиётларда “экстремизм” тушунчаси “кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик” деган маъноларни англатади.

Дунёнинг турли мамлакатлари, аввало, ислом дини тарқалган минтақаларда диний экстремизмнинг пайдо бўлиши ва мавжудлигини белгилаб берувчи омиллар таҳлил қилиниб, уларнинг ўхшашлиги ва умумийлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Умумий қонуниятларни Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳолатга тадбиқ қилиш диний-экстремистик ҳоjarларнинг ёйилиши ва ташкилий тузилмаларнинг шаклланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ички ва ташқи омилларни ажратиш мумкин. Ушбу омиллар Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик Концепциясида (1997й) чуқур таҳлил қилингани ҳамда шахс, жамият, давлат хавфсизлигига таҳдиди сифатида ажратиб кўрсатилганини ҳам таъкидлаш зарур.

#### ***Ташқи омиллар:***

XX асрнинг 70-йилларида барқарор характер касб этган “ислом омили” нинг умумий кучайиши тенденцияси;

- диний экстремистик ғоялар глобаллашуви ва унга асосланган халқаро терроризм турларининг Ўзбекистоннинг ўз таъсир доирасига тортиши;

- Ўзбекистон чегараларида узоқ давом этаётган ва наик диний тусга эга қуролли тўқнашувларнинг мавжудлиги (Афғонистон, Тожикистон).

- Ўзбекистондаги мавжуд диний мутаасиб кучларнинг хорижий клерикал ташкилотлар томонидан ғоявий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши;

***Ички омиллар:***

а) ижтимоий-иқтисодий:

- бозор муносабатларига ўтиш жараёнида турмуш, ижтимоий ҳимояланганлик даражалари, ўсиш суръатининг пастлиги ҳамда жамиятдаги ижтимоий ва мулкый табақаланиш;

- меҳнат заҳира армияси (ишсизлик)нинг вужудга келиши, қишлоқ жойларида аҳолининг зич жойлашганлиги;

б) маънавий-ахлоқий:

- бир неча йиллар мобайнида олиб борилган ва ўзини оқламаган атеистик сиёсат оқибатлари;

- маънавий соҳадаги чалғитиш, бир тизимдаги қадриятларнинг йўқолиши ва янгиларининг одамлар онгида шаклланиши ҳамда мустаҳкамланишининг туганланмаганлиги;

Ўрта Осиё минтақасидаги ҳудудда фаол ҳаракат қилаётган ва Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид солувчи диний экстремистик гуруҳлар сонига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Ҳизб ут-таҳрир ал-исломия.

2. Ўзбекистон Ислом ҳаракати.

90-йилларда Маразий Осиё минтақасида бошқа радикал диний ташкилотлар ҳам ҳаракат қилган, аммо ҳозирги вақтга келиб ушбу ташкилотларнинг фаоллиги, улардан келиб чиқадиган таҳдид ҳам анча пасайган, бироқ уларнинг ғайриқонуний ҳаракатларини қайта жонлантирилишини мустасно қилиб бўлмайди.

Мазкурлар:

1. Акромийлар.

2. Нурчилар

3. Адолат уюшмаси

4. Тавба

5. Жамияти таблиғи исломий

6. Узун соқол

7. Ислом лашкарлари

Наманган шаҳирда жиноятлар содир этган “Ислом лашкарлари”, “Адолат” ва “Тавба” каби жиноий уюшма аъзолари ваҳҳобийлик оқими тарафдорларидир.

### **“Ваҳҳобийлик”**

Ваҳҳобийлик XXУШ асрнинг ўрталарида Арабистон ярим оролининг марказий қисми ҳисобланмиш Нажд вилоятида ислом динининг сунна йўналишидаги ҳанбалий мазҳаби таълимоти ўзагида пайдо бўлган. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абд ал Ваҳоб ҳисобланади. (1703-1791йй). Муҳаммад ибн Абд ал Ваҳоб қози оиласида тарбия топган. Абн Абд ал-Ваҳобнинг кўпчилик дин масалалари юзасидан ўзгача фикрдалигини кўриб, отаси, акаси Сулаймон ва устозлари уни диний масалаларни ҳал қилишдаги хатолари ва нотўғри йўлда кетаётганлиги ҳақида огоҳлантирганлар. Шунингдек, акаси Сулаймон ўша пайтда қилган нотўғри қарашларнинг сингдири-лишига қарши курашгани манбаларда зикр этилган.

Ибн Абд ал-Ваҳобнинг экстремистик фаолияти авж олгач, унинг қарашлари ва ҳаракати ислом дини ғояларини бузишга, нотўғри тарғиб қилишга қаратилганини англаган акаси ва устозлари ўша замонда ёзилган китобларда “унга эргашган бахтсизликка дучор бўлади” деб танқид қилган.

Ваҳҳобий таълимотининг асосини соф тавҳид ғояси, фақат Оллоҳнинг ягоналигини тан олишдан биорат. Пайғамбар, авлиёларнинг шафоатларидан умидвор бўлиш, қабристонларни зиёрат этишни рад қилиб, тасаввуфни тан олмайдилар. Шунингдек, суръатга тушиш, марҳумлар руҳига тиловатлар ўқиш, хайри эҳсон қилиш қабила ҳам ножоиз ҳисобланади. Бу оқим тарафдорлари тамаки чекиш, ипак кийим кийиш, кўшиқ, театр, кино, мусиқа, тасвирий санъат ва умуман олганда маънавий маданият тарақиётига қарши бўлган. Ваҳҳобий оқими 1930 йилдан бошлаб ҳокимиятни эгаллаш учун мусулмон аҳоли бошига турли жабр зулм, ёвузликлар ёғдириб келмоқда.

Ўша даврларданок ваҳҳобийлар ўзининг мафкурасига итоат этмаган кишиларни ўлдириб, мол-мулкни тортиб олганлар.

Ибн Абд ал-Ваҳҳоб ўз даъватларини ёйишда кўпроқ қиличга таянган. Унга Муҳаммад ибн Сауд ёрдам берган. Муҳаммад ибн абд ал-Ваҳҳоб муқаддас Макка ва Мадинани 1788 йилда эгаллаб у ердаги барча тарихий обидаларни, саҳобалар дафн этилган жойларни ер билан яқсон қилган. Ваҳҳобийлик таълимотини байроқ қилиб олган Абд ал Азиз ибн Сауд раҳбарлигида Арабистон ярим оролида 1932 йилда ҳозирги Саудия Арабистони деб номланган янги давлатга асос солинди. Ваҳҳобийлик таълимоти мазкур давлатнинг расмий мафкурасига айланди. ХУШ арсда Саудия Арабистонида илдиз ота бошлаган ваҳҳобийлик кейинги икки аср давомида диний-сиёсий оқимлардан бирига айланди. XX асрда эса дунёдаги қатор давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи аҳолининг хавфсизлигига таҳдид сола бошлади.

80-йилларнинг 2 ярмидан бошлаб Наманганда яшовчи бир гурух мусулмон кимсалар ваххобийлар таъсирига тушиб қоладилар. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиши таъқиқланган ваххобий диний-сиёсий оқими аъзолари 1997 йиллардан бошлаб асосан Фарғона водийси вилоятларидаги Наманган, Андижон, Қўқон, Марғилон, Қорасув шаҳарларида турли жиноятларни содир этдилар. Кейинчалик бу оқим тарафдорларини Тошкент шаҳрида ҳам пайдо бўла бошлади.

Тожикистондаги сиёсий мухолифат раҳбарлари С.Нурий ва А.Тўражонзодага яқин кишилардан бири наманганлик ваххобий Ж.Намангоний ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикасидан алдаб олиб борилган бир гурух ёшларни куруллантириб, 1999 йилнинг ёзида Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтди, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон Республикасини ҳам диний экстремизм ва терроризмнинг гирдобига тортишига беҳуда уринди. Маълумотларга қараганда, бу жиноий уюшма аъзолари Покистон, Афғонистонда чет эллик мутахассислар ёрдамида махсус ҳарбий, сиёсий ва диний тайёргарликдан ўтганлар. Ўзбекистонга қайтиб келиб, ўзларининг жиноий фаолиятларини давом эттирганлар, қўпоровчилик, террорчилик ва экстремистик ҳаракатлар каби ўта оғир жиноятларни содир этганлар.

Воқеалар тафсилоти шуни кўрсатадики, ваххобийлик оқими аъзоларининг асл мақсади жиход орқали янги куч ишлатиши йўли билан ҳокимиятни эгаллашдир.

Тадқиқот объекти ҳисобланган дин ниқоби остидаги диний экстремистик оқимлар, жумладан ваххобийлик оқими томонидан илгари суриладиган жиход тушунчаси замирида инсонларни қўрқитиш, ваҳима, дахшат, мол-мулкка зарар етказиш, давлатлараро нифоқ уйғотиш, охир оқибатда бегуноҳ инсонларнинг ўлимларига сабаб бўлиб, асосий мақсад фақат сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш эканлиги қўзга ташланмоқда.

Илк даврда ташкил топган ваххобийлик оқимининг асл мақсади аксинча бўлган. Ваххобийликнинг ислом дини таълимотига зид эканлигини кенгрок очиб бериш мақсадида шуни таъкидлаш жоизки, ислом динининг муқаддас анбаларида мазҳаб асосчиларининг таълимотида жиход сўзи кенг маънони англатиши кўрсатилган. Араб тилида Ж-Х-Д харфлари билан ифодаланган жиход сўзида муқаддас деган ҳам, уруш деган ҳам маъно йўқ. Бу сўз кишини, бирон бир нарсага жон жаҳди билан киришини, бирор нарсага ўзини тўлиқ бахшида этиши, саъй ва ҳайрат қилишни англатади.

Ваххобийликда “Жиход” ғояси ишлаб чиқилди ва фойдаланилди. Бу айрим тадқиқотларга ваххобийликнинг замонавий кўринишдаги радикал қанотига нисбатан жиходчилар деган атамани қўлашга имкон берди.

Ваҳхобийлик оими тарафдорлари бўлган “Ислом лашкарлари”, “Адолат” ва “Тавба” жиной уюшма аъзоларининг бир қисми 1992-1997 йиллар давомида Тожикистондаги фуқаролик урушида исломий муҳолифат тарафида жангларда фаол қатнашган.

“Тавба” экстремистик гуруҳи Фарғона водийсида фаолият кўрсатган. Аслида Баку шаҳрида ташкил этилган бўлиб, унинг тарафдорлари Ўзбекистон давлатига четдан кириб келган. Тожикистон давлатидан келган жангарилар билан тайёргарлик машғулотлари олиб борилган. “Тавба”чилар Фарғона водийси ҳудудида босқинчилик, қасддан одам ўлдириш каби ўта оғир жиноятларни ҳам содир этганлар. Жиноят оқибатида қўлга киритилган маблағларни курул яроғ, наркотик моддаларни харид қилиш ва суд ҳукми билан жазоланган маҳкумларнинг оила аъзолари чет давлатларда махсус лагерларда тайёргарликдан ўтаётган жиноятчи жангарилар оиласидагиларнинг моддий таъминотига сарф қилганлар. Бу жиной уюшма асосан 1991 йилда Наманган шаҳарида (Отауллахон масжиди) қошида ташкил этилган. Жиной уюшма фаолиятини Абдували Йўлдошев, исок Жаббаров деган йўналтириб турган. Бу уюшма таркибидаги жиноятчилар аниқланган ва кўпчилиги суд томонидан жазога тортилган. Экстремистик ва террорчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси Абдували Йўлдошев 1999 йилнинг ноябрида Қирғизистон давлати ҳудудини Тожикистондан бостириб кирган террорчилардан тозалаш жараёнида ўлдирилган.

Шунга ўхшаш “Адолат” уюшмаси ҳам 1991 йилнинг бошида фаолият кўрсата бошлаган. Ташкилотга ўша пайтда Наманган шаҳрида яшовчи Ҳаким Сотимов раҳбарлик қилган. Наманган вилоятидаги динга эъқод қилувчи кишлоқ аҳолисини ўзича жалб қилиб, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига қарши қилиб қўйган. Турли туман ноқонуний ҳаракатларни содир этиб, мавжуд конституциявий тузумни ағдариш ва исломлаштириш сиёсатини амалга ошириш илинжида юрган. Бу ташкилотнинг жиноятлари фош этилган ва тугатилган.

Хозирги кунда Ўзбекистон давлатидаги барқарорликка путур етказиб, динлараро низоларни пайдо қилишга уринаётган ва жамиятдаги тинчликка очиқ таҳдид солаётган диний-сиёсий экстремистик оқимлардан бири бу “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломия” уюшмасидир.

“Ҳизб ут-таҳрир ал-исломия” жиной уюшмасининг ташкил топиши “Мусулмон биродарлари” ташкилоти билан боғлиқ. Бу уюшма 1928 йилда Мисрда ташкил топган норасмий диний-сиёсий ташкилот бўлиб, унга мисрлик Ҳасан ал-Банно асос солган. У панисломизм ғояси асосида “Жиход”, исломий миллатчилик, исломий даъват асосида ислом дини тарқалган мамлакатларда Қуръон ва шариатда

ифодаланган қоидаларга тўлиқ риоя қилувчи, исломий адолат принциплари ўрнатилган жамият учун сиёсий курашни 20 аснинг бошларида бошлаган эди.

“Мусулмон биродарлари” раҳбарлари ўртасида ғоявий қарама-қаршилик юз бергани натижасида ташкилот куйидаги уч йўналишга бўлиниб кетди: “Муътадиллар”-Хасан ал-Банно ва Саид ал-Қутб тарафдорлари. Ислом демократлари-ислом социализми таълимоти издошлари. Террор услубни қўлловчи турли экстремистик гуруҳлар.

Уларга “Ат-такфир вал-хижрат”, “Ал жиход ал исламия”, Қуръонни химоя қилиш уюшмаси (Тунис), “Хизб ут таҳрир” киради.

Ўзбекистон тергов идоралари томонидан жиноятлари фош этилган террорчилар “Хизб ут таҳрир” аъзолари бўлиб, бу ташкилот 1952 йилда Қуддус шаҳрида фаластинлик юрист Тақийюддин Набахоний (1909-1979) томонидан, мусулмон биродарлари раҳбари Саид ал Қутб билан ғоявий келишмовчиликлар замирида, ундан ажралиб чиқиш натижасида ташкил этилган. Хориждаги ахборот марказларидан бирининг тахминий маълумотига кўра, бу ташкилот Буюк Британия махфий хизматининг бевосита ёрдами асосида ташкил топган ва Америка Коммунистик партияси томонидан қўллаб қувватланган.

Набахоний мусулмон давлатларидани мавжуд сиёсий тузумни ўзгартириб, халифалик давлатини ташкил этиш ғоясини илгари сурган. Қарашларни “Ислом низоми”, Исломий оламга қайноқ нидолар”, “Хизб ат таҳрирнинг тушунчаси” ва бошқа асарларида баён этган.

Бугунги кунда партияга Фаластиннинг Халил шаҳрида туғилган Абдулқадим Заллум раҳбарлик қилмоқда. Ташкилот фаолияти 1982 йилдан бошлаб кучайган. “Ваххобийлар” ҳокимиятни қўлга олишда очиқ кураш йўлини тутсалар, хизбчилар ғоявий, мафкуравий кураш услубини қўллайдилар. Улар беш кишидан иборат бўлган халқаларга бўлиниб, мафкурвий тарғибот ишларини олиб борадилар, ёшлар тарбиясидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг миясини захарлашга уринадилар.

Шунингдек, бу ташкилотнинг бошқалардан фарқи шуки, у хужумни аввало, фикрга қаратади, яъни фикрий кураш олиб боради, ғоявий инқилобга эришиш, ислом давлати низомини тарғиб қилшга уринади. Охир оқибатда ҳокимиятни куч ишлатиш йўли билан қўлга олиш ниятидалар. Улар дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнига ўз муносабатларини билдириш учун 1989 йилдан бошлаб “Ал ваъй” (Онг) номли ойлик журнални турли тилларга, жумладан ўзбек тилига таржима қилиб, доимий равишда аҳоли орасида тарқатганлар.

“Хизб ат таҳрир” аъзолари ҳам бошқа диний экстремистик ташкилотлар каби мавжуд конституциявий тузумни ағдариб, ҳокимиятга келишга интиладилар. Ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳудудий макон



халифалик давлатини куриш уларнинг асосий сўнгги мақсадлари бўлиб ҳисобланади.

Марказий Осиёдаги қатор давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикасига “Муслмон биродарлари” экстремистик ташкилотининг раҳбари Саид ал Қутб, Хиндистонда ташкил топган диний-сиёсий ташкилот раҳбари Абул Хасан Надавий, яманлик Абдул Ҳамид Зиндоний, Саудия Арабистонидан Муҳаммад Сааининг ўта реакцион, экстремистик ғоялари акс эттирилган китоблари саксонинчи йиллардан бошлаб келтирила бошланган. Ушбу китоблардаги ғоялар таъсири остида Раҳматилло Қодиров (Тожикистон) Абдували Мирзаев (Ўзбекистон) каби ўта мутаасиб диний ақидапарастлар етишиб чиққанлар. Андижондаги “Жомеъ”, Намангандаги “Отауллахон” (Гумбаз), Тошкентдаги “Саҳобалар” ва Тўхтабойвачча” масжидлари орқали уларнинг издошлари тўксонинчи йилларнинг бошида мамлакатимиз бошқа вилоятларига тарқала бошлаганлар.

Собиқ иттифоқ тарқаб, республикалар мустақилликка эриша бошлаган тўксонинчи йиллар бошида Абдували Мирзаев (Абдували Қори), Саид Абдулло Нурий, Абдурашид Қосимов, Низомиддин Юсупов, Ҳафизулло Носиров каби тарғиботчилар ошқора тарғибот олиб борганлар. Ўша даврда улар ўтиш даврига хос бўлган иқтисодий қийинчиликлар, етишмовчиликлар, маънавий бўшлиқ пайдо бўлганидан, айниқса халқнинг диний қарашларга таъсирчанлиги ва диний урф-одатлар ҳамда ақидаларга мойиллигидан фойдаланиб, Ўзбекистонда мавжуд бўлган конституциявий тузумни ағдариш, бунинг учун эса очикдан-очиқ куч билан ҳокимиятни қўлга олишга, Фарғона водийсидаги айрим суд ҳокимиятининг айрим вазифаларини ўзлаштиришга ҳаракат қилишган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларнинг жиноятлари фош этилиб, жиноятчиликка қарши кескин олиб борилганида аксарият диний сиёсий уюшмалар, жумладан, “Хизб ут-таҳрир”нинг Ўзбекистондаги бўлими ҳам ўз фаолиятини хуфёна тарзда олиб боришга ўтган. “Ақромий”лар ташкилоти 1996 йилда Андижон шаҳрида ташкил топган. Ташкилотнинг номи шартли тарзда диний гуруҳнинг раҳбари Акрам Йўлдошев номидан олинган. А Йўлдошев “Хизб ут таҳрир” ғояларининг ихлосманди бўлиб уламолик билан шуғулланган.

Хуллас, диний экстремистик ташкилотлар фаолиятига оид бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин. Марказий Осиё ҳудудида ҳам бундай чиқишлар бўлмаслиги учун мафқуравий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз лозим.

## **6. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий, ҳуқуқий асослари**

### **РЕЖА:**

*1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари*

*2. БМТнинг экстремизм ва терроризмни олдини олишга қаратил-ган концепциясининг мазмуни ҳамда уларни рўёбга чиқаришнинг шакллари ва усуллари*

*3. Диний экстремизм ва терроризмга курашнинг халқаро маънавий-маърифий асосларини ўрни ва аҳамияти*

### **1.**

Ўтган асрнинг 60-йиллар охири 70-йиллар бошида халқаро терроризмга кенг қамровли қарши курашиш зарурияти ва бу курашнинг ҳуқуқий асосларини мукаммаллаштириш вазифалари жаҳон ҳамжамияти олдида кўндаланг бўлиб қолди. Айнан шу паллага келиб, экстремизм ва терроризмнинг сиёсий, диний ва миллий турлари авж олиб жиддий инсоният бошига жиддий офат келтира бошлади. Улар гоҳ сиёсий, гоҳ диний, гоҳ ҳудудий масалани баҳона қилиб, турли усулда жиноятлар содир эта бошладилар. Терроризм билан диний экстремизм баъзи жиҳатлари билан ўзаро фарқ қилсада, туб моҳияти ва мазмунига кўра муштаракдир. Разил мақсадларига эришиш учун турли кўринишдаги террористлар давлат раҳбарларига суиқасд уюштириш, кишиларни гаровга олиш, уларни ўғирлаш, одам ўлдириш, шу жумладан портлатишлар орқали аҳолида кўркув, ваҳима уйғотиш орқали юрт осойишталиги ва тинчлигини бузишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, 2001 йил 11-сентябрда Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларидаги ақл бовар қилмайдиган террористик ҳужум оқибатида нафакат АҚШ фуқаролари, балки дунёнинг 60 мамлакати фуқароларидан, минг-минглаб бегуноҳ одамлари нобуд бўлдилар. Терроризмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик қилишни ҳуқуқий асосларини кенг жабҳада мукаммаллаштириш масаласини жаҳон ҳамжамияти олдида долзарб бўлиб қолди.

Бугунги кунда кенг тармоқ отган диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро террорнинг ғоявий никоби бўлса, гиёҳванд моддалар ва одам савдоси, шубҳасиз, унинг молиявий таянчига айланган. Шу боис экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро терроризмга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, инсоният тинчликка эришиб бўлмаслигини барча тушиниб ета бошлади.

Халқаро терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва терроризмнинг барча кўринишларига қарши курашишнинг ҳозирги вақтда ҳамкорлик қилишнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- ҳамкорлик қилишнинг конвенциялашган механизми (универсалъ, минтақавий ва икки томонлама шартнома, шу жумладан жиноятчиларни бир-бирига топшириш (экстрадиция));
- халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиш;
- бир гуруҳ ёки бир қатор давлатларнинг бирлашуви доирасида ҳамкорлик қилиш;
- террористик жиноятлар содир этган шахсларни қидириш ва жазолаш учун халқаро суд органларини фаолиятини мувофиқлаштириш;
- турли давлатларнинг ҳуқуқий ёрдам институтлари доирасида ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, халқаро терроризм, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, шунингдек, диний муносабатларда ҳуқуқни бузулиши ва жиноятлар билан ҳам курашиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, амалга оширишнинг қонуний механизми Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тизимли равишда йўлга қўйилди. Диний муносабатлардаги ҳуқуқнинг бузилиши ва жиноятлар билан курашишнинг ҳуқуқий асослари, асосий қонунимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-модда, 29-модда, 31-модда, 57-модда ва 61-моддаларида асослаб берилган.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг (1998 йил 1 майдаги 618-сон Қонуни янги таҳрирда) 3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи; 4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлиги; 5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги; 9-модда. Диний ўқув юртлари; 14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар; 19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар; 23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (1994 йил 22 сентябрида № 2012-XXI-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан тасдиқланган. 1995 йилдан амалга киритилди) қўйидаги моддаларида (97-модда. Қасддан одам ўлдириш; 104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш; 105-модда. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш; 414-модда. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш; 145-модда. Виждон эркинлигини бузиш; 153-модда. Геноцид; 156-модда. Миллий, ирқий ёки диний адоват кўзғатиш; 173-модда. Мулкни қасддан nobud қилиш ёки унга зарар етказиш; 216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш; 216<sup>1</sup>-

модда. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш; 216<sup>2</sup>-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; 217-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш; 229<sup>2</sup>-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш; 235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш; 244<sup>1</sup>-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш; 244<sup>2</sup>-модда. Диний экстремизм, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш; 246-модда. Контрабанда, халқаро терроризм, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, шунингдек, диний муносабатларда ҳуқуқни бузулиши ва жиноятлар жазолаш аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

Жаҳон ҳамжамияти инсоният тақдирини ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда, маърифатли дунё учун курашишга чорлаётгани барча афғор оммага маълум бўлишига қарамасдан, ислом оламидан ташқарида бўлган, динимиз ҳақида ниҳоятда сохта, ибтидоий тушунчалари мавжуд кимсалар, ҳатто гуруҳлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Мусулмончиликни террорчилик билан тенглаштиришларга уриниш ҳоллари нафақат халқаро қабул қилинган ва эътироф этилган ҳуқуқий ҳужжат ва нормаларга зид бўлиб қолмай, балки бундай қараш ва талқинлар ислом дини ҳақида тесқари тасаввур уйғотиши, бутун дунёда унга нисбатан нотўғри муносабатни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги **“Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш”** маърузасида алоҳида таъкидланганидек, “Бугун мана шу минбарда туриб, яна бир бор таъкидламоқчиман: биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз – ислом дини билан боғлашдек хавфли ният ва уринишларни кескин қоралаймиз. Бундай оқибати ўйланмаган ва иттифоқарона хатти-ҳаракатлар биринчи галда, «Ал-Қоида» ёки «Ҳизбут-таҳрир» каби энг ашаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотларга қўл келади.

## 2.

Терроризм ва унинг турли кўринишдаги иллатларига қарши курашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятига боғлиқдир. БМТнинг терроризмга қарши кураш вазифаси ушбу ташкилот Низомининг 1-моддасида белгиланган «халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда, тинчликка

тахдиднинг олдини олиш ва уни бартараф этиш» мақсадларидан келиб чиқади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, БМТ экстремизм ва терроризмни олдини олишга қаратилган концепциялар қабул қилиш ҳамда уларни рўёбга чиқаришнинг шакллари ва усуллари борасида бир қатор ишларни амалга оширди.

Террористик ҳаракатларни олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳақидаги дастлабки халқаро шартномалар ўтган асрнинг 30-йилларида қабул қилинган. 1937 йилда Миллатлар лигасининг халқаро терроризмни олдини олиш ва уни иштирокчилари, ташкилотчиларини жазолаш ҳақидаги Конвенцияни қабул қилди ва халқаро суд ташкил этиш ҳақида келишилди. Бироқ мазкур ҳужжатни универсал равишда амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмагани ва иккинчи жаҳон урушининг бошланиб кетгани туфайли, у натижасиз бўлиб қолди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Геноцид жиноятини олдини олиш тўғрисидаги» Конвенция (260 а III 1948 йил 9 декабрь) қабул қилинди. Террористик ҳаракатларни олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида бир қатор халқаро ҳужжатлар 60-70 йилларда тўғри келади, чунончи бу даврда террористлар сиёсий, диний ва миллий жабаҳдаги айрим муаммоларни рўқач қилиб, кўплаб террористик ҳаракатлар содир эта бошладилар, бу офат дунё миқёсида хуруж олиб кетди. Шулар боис, БМТ Бош ассамблеясининг терроризмга қарши қаратилган бир қатор резолюциялари, конвенциялари асосида қабул қилинган халқаро шартномаларини такомиллаштириш ва уларни диний терроризм ва экстремизмга қарши кураш соҳасида хориж давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, махсус хизматлар ишини мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорлик қилиш самарадорлигини ошириш муҳимлиги яқол сезилагошланди.

Инсоният келажаги кўп жиҳатдан бу курашда қайси тарафнинг устун келишига боғлиқ. Зеро, «халқаро терроризм» тушунчаси 2001 йилнинг 11 сентябридан кейин айниқса урф бўлди.

Маъшум 11-сентябрь фожеасидан сўнг Афғонистоннинг нафақат Европани наркотиклар билан таъминлайдиган асосий манба эканлигини, балки энг ашаддий террорчиларни тайёрлайдиган полигон ҳам эканлигини ҳамма бирданига англаб етди. Ваҳоланки Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов БМТнинг юксак минбаридан туриб жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланган бир қатор ташаббусларни илгари сурган эди. Улар орасида Маказий Осиёни ядро куролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш таклифи, Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ечимни топиш йўлидаги саяй-ҳаракатлари, террорчиликка қарши кураш халқа-

ро марказини ташкил этиш бўйича ташаббусларини алоҳида қайд этиш лозим.

Чунончи, Ўзбекистон Президентининг 1993 йил 28 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассаамблеясининг 48-сессиясида қилган нутқида бир жихатдан Ўзбекистон имкониятлари, унинг маънавий, иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йулларини жаҳон миқёсига олиб чиққан бўлса, икинчи томондан жаҳон сиёсати йуналишларига, ижтимоий сиёсий жараёнлар боришига унинг ўзига хос ёндашуви, ўзига хос баҳолаш усули ва йўналтириш услуги мавжудлигини очиқ-ойдин кўрсатди. Жумладан, мазкур маърузасида Ислом Каримов жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустахкамлаш, уруш ва тинчлик муаммоларини бартараф этиш, қуролланиш пойғасини тугатиш, халқаро терроризм хавфи масалалари ҳақида кескин гапирган эди.

Халқаро ташкилотларнинг мақомлари, уларнинг нуфузи ва жаҳон муаммоларини ҳал этишдаги роли хусусида сўзлар экан, жумладан, “Кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали қилиб айтганда ёнгин хиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишининг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бефарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар нуктаи назарига ўта бориши керак“, деб қатъий таъкидлаган эди.

1995 йил 15-16 сентябр кунлари Тошкентда БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш семинари бўлиб ўтди. Унда 59 давлат ва 16 халқаро ташкилотлардан 200 дан зиёд вакили еатнашди. Кенгаш Марказий Осиё муаммоларини ўрганиб, уни дунё тарққиётига узвий боғлиқ сифатида ҳар томонлама муҳокама қилишди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг кенгашда сўзлаган нутқини муҳим дастурий ҳужжат ва кенг қамровли амалий тақлифлар мажмуи сифатида баҳолашди. Нотиқ Тошкент учрашувининг “Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик” шиори остида ўтаётганлигидан ўзига хос мазмун борлигини алоҳида уқдирди ва жумладан: **дунё тинчлиги йулида давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва қатъий ишонч, мамлакатларнинг мустақиллигини сўзсиз тан олиш; сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тараққиётнинг ҳамда ислохотларнинг самарали бўлишининг асосий омили барқарорлик эканлигини эътироф этиш ва уни тўла таъминлашга интилиш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида кўрсатди.**

Ўзбекистон раҳбари ҳар қандай можаролар олдини олишнинг ягона йули шарқона демократия тамойиллари асосида яъни, донишмандлик, ақл-идрок, масалаларга муроаю мадора ва тийраклик билан қараш, турли қарама-қарши гуруҳлар ва доираларнинг бир стол атро-

фида тўпланиб, ҳамжиҳатликда фикрлашиб олиш ҳамда энг тўғри, энг оқилона ва адолатли мулоҳазаларга мардона ён бериш зарурлигини уқтирди.

Мазкур анжуманда Президент И.Каримов қўйидаги тамойилларни ўртага ташлади:

- низоларни боскичма-боскич бартараф этиш;
- барча манфаатдор томонларнинг музокара жараёнида иштирок этишлари;
- томонларнинг бир-бирига ён бериш ва муроса йули билан бир-бири томон яқинлашуви;
- бу жараёнда БМТ, ЕХХТ, ИҚТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаол иштирок этиши ва хомийлик қилиши;
- хар бир маамлакат ҳудудий яхллитлигининг сақланиши;
- қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йул қўйилмаслиги;
- халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш;
- маҳаллий можаролар ҳудудига қурол етказиб беришни қатъиян тақиқлаб қўйиш.

1999 йил 18-19 ноябр кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг йиғилиши бўлди. Унда юз йиллик ва янги минг йиллик оstonасида туриб, кейинги асрдаги инсоният тақдири, тараққиёт муаммолари ва улрга тахдид солучи омиллар кенг муҳокама килинди. Ушбу улкан анжуманда асосий муҳокама килинган масала Европа Хавфсизлик Хартияси бўлди. Хартия нафақат ташкилотга аъзо 54 мамлакатнинг, бутун дунёнинг келгуси асрдаги хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муҳим ҳужжатдир. Ушбу анжуманда биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти И. Каримовга сўз берилди.

Истамбул саммитида сўзлаган нуткида Президент Ислоҳ Каримов *“Бугунги кунда биз радикал кайфиятдаги марказларнинг диний экстремизм ва терроризмни тарқатишига қаратилган узоқни кўзловчи режаларига, минтақа давлатларининг ўзлари танлаган демократик, ҳуқуқий ва дунёвий тараққиёт йўлидан кайтариши холарига дуч келмоқдамиз. Буни Тожикистондаги воқеалар, яқинда Тошкентда юз берган портлашлар, Босқинчилар гуруҳларининг мустақил Қирғизистон жанубига сурбетларча бостириб кириши ҳамда барчага маълум бошқа фактлар исботлаб турибди.”*

Президентимиз “ЕХХТ минтақавий хавфсизлик, жумладан Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим. Бу ўринда ЕХХТ масъулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга

кодир бўлган ташки таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериши зарур”, деди.

Халқаро терроризмнинг қандай шаклда булмасин, диний ёки бошқа тусда буладими, тобора моддийлашиб, иқтисодий манфаатларга хуруж қилаётгани, ана шу эҳтиёжларни инсоният наслини айни-тадиган оғу савдоси-наркобизнес орқали қондиришга тнтилаётганлиги масаласини, айтиш мумкинки, **Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов жаҳон сиёсатдаонлари орасида биринчи булиб кўтарди.** Бунда **биринчидан**, айтиш халқаро терроризмнинг моддийлашув жараёни нихоятда хавфли, хатарли, тахликали эканлиги илк бор аниқ – равшан таҳлил этилди.,

**Иккинчидан**, халқаро терроризм нафақат инсоннинг жисмоний кушандаси, балки уни маънавий жиҳатдан ҳам барбод этувчи, унинг насл-насабини бузувчи, Ер юзида мажруҳи нимжон одамларнинг, аклий ва маънавий жиҳатдан заиф аҳолининг купайишига олиб келадиган жиноят турига- биологик ҳалокатга элтувчи хатарли ҳодисага айланаётганини ҳам Ўзбекистон раҳбари биринчи булиб кўтарди.

Президент И.Каримов киритган **учинчи таклиф** бу ЕХХТ тизимини ислоҳ қилиш, уни бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқимида мослаштириб ва инсоният тақдири билан боғлиқ булган, ҳаёт келтириб чиқараётган янгидан-янги муаммоларни ҳал этишга кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ таклифлардир.

Жумладан, Ислом Каримов *“Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кекин қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангини эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроқ билан таъминлаш, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим”*, деди.

Бу чиндан ҳам ЕХХТ фаолиятини янги замонга мослаштириш учун унинг таркиби, тизими ва фаолият доирасини тақамиллаштириш зарурати туғилганини кўрсатади.

Истамбул Саммити Ўзбекистон сўзининг қудратини, сиёсий иродасини ва жаҳон тарққиётиги қучли таъсир кўрсатаётганини яна бир намоиш қилган улкан ҳодиса бўлди. У яна бир бор дунёнинг энг нуфузли сиёсатдонлари эътиборини халқаро терроризм ва экстремизмнинг моҳиятини, унинг тараққиёт омилларини, Ер шари ва инсоният тақдирига солаётган таҳдидларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этишга, улрга илмий, назарий ва амалий жиҳатдан муносиб баҳо беришга қаратди.

Ўзбекистон халқаро коалиция аъзоси бўлиб, Афғонистондаги террорчиликка қарши операцияда муҳим роль ўйнади. 2001 йил 8



октябрда (Афғонистондаги операция бошлангунга қадар) биз коалиция кучларига ўз аэродромимизни бериб туриш ҳақида қарор қабул қилдик.

Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг (МОХТ) Душанбеда бўлиб ўтган сўнгги йиғилишида (2004 йил Май) МДХ ҳудудида ва хусусан, МОХТ ҳудудида мавжуд бўлган террорчилик гуруҳларини қонундан ташқарида деб эътироф этиш мақсадида уларнинг рўйхатини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу жиддий тадбир бўлиб, ўз амалий самарасини бермоқда: Германия, Покистон, «Хизбут таҳрир» ни ноқонуний деб топди, Россия ҳам, кейинчалик МОХТнинг бошқа давлатлари ҳам бу қарорга қўшилди.

2004 йилнинг 17 июнда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) Тошкент саммити бўлиб ўтди. Мазкур саммитда унга давлатга аъзо давлат раҳбарлари бутун дунёга таҳдид солиб турган халқаро террорчилик, экстремизм, наркотрафик хавф хатарларнинг олдини олишга нисбатан изчил амалий одим қўйдилар. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг идорасининг айнан Тошкентда очилиши Президент Ислом Каримовнинг жаҳонда тинчликни сақлаш борасидаги савб-ҳаракатларига берилган баҳо, эътибор ва фаолиятининг ёрқин тасдиғидир.

Хуллас, жаҳон ҳамжамияти терроризм ва унинг барча кўринишларини аср-вабоси сифатида қараб унга ҳуқуқий жихатдан қарши курашишни кенг камровли ёндашув лозимлигини инобатга олган ҳолда ва халқаро миқёсда қўйидаги универсал шартномалар қабул қилинди:

- Ёлланма одамларни жалб қилиш, фойдаланиш, уларни молиялаш ва таълим беришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция(1989 йил 4 декабрь);

- Террористик актлар содир этилишидан аввал огоҳлантириш ва содир этганларни жазолаш ҳақидаги америка давлатлари ўртасида тузилган конвенция (1971 йил)

- Терроризмни олдини олиш ҳақидаги Европа конвенцияси (1977);

- Жанубий Осиё мамлакатлари уюшмасининг минтақада терроризмга қарши ҳамкорлик қилиш ҳақидаги конвенция (1987 йил);

- Пластик портловчи моддаларни топа олиш мақсадида уларни маркировка қилиш тўғрисидаги конвенция(1991 йил 1-март);

- Бомбали террорчиликка қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция(1997 йил 16 декабрь);

- Ислом конференцияси ташкилотининг халқаро терроризмни олдини олиш ҳақидаги конвенцияси(1999 йил);

• МДХ иштирокчиларининг терроризмга қарши курашиш ҳақидаги шартнома (1999 йил)

• БМТ доирасида терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1999 йил 2001 йил кучга кирди);

Бу ҳуқуқий ҳужжатлар эса ўз навбатида терроризм тусидаги жиноятларни давлатлар томонидан ички қонунчиликда таснифлаш, мослаштириш имкинтини яратади.

### 3.

Ўзбекистон Республикаси ўз суверенитетини ўрнатиб, жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлган вақтидан бошлаб терроризмдек хавфли иллатга қарши аёвсиз кураш олиб боришга бел боғлаган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган терроризмга қарши кураш стратегияси мазмун жиҳатидан бойлиги, масалани атрофлича муҳокама қилиш имкониятларига эгалиги, яхлит концепциянинг алоҳида қисмлари ўзоро мувозанатлашгани билан ажралиб туради.

Ўзбекистон республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” қонунини (2000 йил 15 декабрь,) қабул қилиниши ва унинг 7-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги-терроризмга қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари билан, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, махсус хизматлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.” деб мақсад ва мудаони аниқ ва равшан кўрсатилиши шак-шубҳасиз мамлакатимиз раҳбариятининг аср вабоси-терроризмга масаласига жиддий ёндошаётганини жаҳон ҳамжамияти олдидаги исботидир.. Терроризмга қарши курашни тўла-тўқис тартибга соладиган салмоқли ҳуқуқий база яратилган бўлсада, ушбу ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши барча мамлакатларда бир текис кечмаяпти.

Шундай нохуш ҳоллар ҳақида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов “Независимая газета”(2005 йил 14 январь) мухбирининг саволларига берган жавобларида «Мамлактнинг (Қозоғистон-таъкид бизники) уч нафар фуқароси Тошкентда портлашлар уюштиради. Табиий савол туғилади: ана шу қадамлар қайси томонга йўналтирилган?! Энг қизиғи, бундай қараганда жавоб талаб қилмайдиган ушбу саволга Қозоғистон МХКнинг юқори мартабали вакилларида бири жавоб берди. Унинг баёнот беришича, бу одамлар- «шаҳидлар», экстремистлар, улар Қозоғистонга эмас, айнан Ўзбекистонга қарши иш кўрмоқда. Гўёки бунинг сабаби-Қозоғистонда этикод эркинлиги ва

барча демократик маъёрлар амал қилмоқда, шу боис ашаддий жангари-ларнинг бу мамлакатга қарши даъвоси йўқ эмиш.

Бироқ Қозоғистон имзолаган ўнлаб ҳужжатларда ўз ҳудудида қўшни давлатларга хавф соладиган плацдармлар ёки шароитлар ярат-маслик мажбуриятини зиммага олган-ку. Чамаси, генерал буни ёддан чиқарганга ўхшайди.” деб очиқ-ойдин уқдириб ўтди.

Уюшган жиноятчиликнинг томир ёйиб, халқаро миқёсда тарқа-лиш ҳолатларидан яна бири “хайрихоҳ”ларнинг терроризмга моддий қўмаклашиш иллатини пайдо бўлганидир.

Бугунги кунда терроризм ниқоби остида ўзининг қабих ниятла-рини амалга оширишга уриниб келаётган кучларнинг бири бу нарко-бизнеснинг нуфузли вакиллари-дир. Улар ўзларининг «қора ниятла-рини» амалга ошириш учун яъни харом йўл билан топиладиган молу дунёсини кўпайтириш ниятида «Мусулмон биродарлар» ва «Ҳизбут таҳрир”га ўхшаш турли хилдаги диний-экстремистик гуруҳларнинг фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаб туришга бел боғлашган.

Турли хилдаги диний-экстремистик гуруҳларнинг фаолиятини рағбатлантириб туришдан манфаатдор бўладиган яна бир тоифадаги сиёсий кучларни дунёни ўз «ғоялари»ва стратегик манфаатлари асо-сида тубдан ислоҳ қилишни истайдиган сиёсий гуруҳлар ифода эти-ши мумкин. Бугунги кунда жадал суръатлар билан кетаётган глобал-лашув жараёнларининг таъсири самараси ўларок, Ўрта Осиё региони турли хил сиёсий кучлар манфаатлари тўқнаш келмоқда. Бутун дунё-даги ва айни минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш давомида буни инобатга олиш муҳим масаладир.

Бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун БМТнинг 27-сессиясида «Бошқа суверен давлатлардаги сиёсий тузумнинг емирилишига қара-тилган давлат терроризм сиёсати ҳамда давлатларнинг бу борадаги ҳаркатларига йўл қўймаслик ҳақида»ги резолюция қабул қилинди.

Бугунги куна халқаро терроризмга қўмак бераётган давлатларга қарши тегишли резолюциялар билан бирга БМТ Хавфсизлик Кенгаши Низоминг 5-моддасига асосланиб, тегишли чораларни кўришни жадаллаштириш лозим.

Дунё хавф-хатарини тушуниб етиш олиш зарурати Х асрлардаёқ буюк мутафаккир бобомиз Абу-Наср Фаробий қарашларида хусусан, юрт раҳбарининг нуфузи борасида «давлатни ақл-идрок билан бошқа-риш, халқ бошига тушган хавф-хатарни камайитириш ва бартараф этишдан иборатдир» деган эди.

Ана шу ҳолатларни ўз вақтида англаб, замонавий мулоҳаза юритиш асосида давлат бошқаруви ва жаҳон сиёсати йуналишларини ислоҳ қила бориш, уларни янги ўзанга буриш, янгича шакл ва мазмун билан бойитиш фазилати сиёсатчи учун ноёб истеъдодлардан бири-

дир. Президент И.Каримов шу сингари ноёб хислатлари билан жахон сиёсатдаонлари орасида алоҳида мавкега эгадир.

Президент Ислом Каримов халқаро ҳуқуқий меёрлар ва бошқа бир қатор қонун-қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш, янгича қарашлар ва янгича тафаккур асосида умумжаҳон тартиботини ишлаб чиқиш, эски қолипдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни янгича йуналишга буриш вазифалари долзарб бўлаётганини биринчилардан бўлиб ўзининг назарий-илмий қарашларида аниқ-равшан кўрсатиб берди. Буларни Ислом Каримовнинг 1997 йилда чоп этилган яхлит стратегик концепцияси бўлган *«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари»* асарида давлатимиз раҳбари жаҳондаги мураккаб масалаларга назарий ва амалий нуқтаи назардан қараб, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини теран таҳил клиб, сер қиррали муаммовий масалаларга ва ташқи сиёсатдаги муносабатларни танқидий ўрганиб: бир қанча мамлакатларда кескин курашлар остида демократиянинг қийинчилик билан кечаётганини таҳлил қилиш зарурлиги ўртага қўйди. Терроризм қарши курашиш кераклигининг айнаи замондаги маъно, мазмуни қандай? Ўзбекистонда миллий хавфсизлик нимани англатади? Бу хавфсизликни қандай тушунамиз каби ечимталаб муаммоларига Ислом Каримовнинг *«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари»* асарида илгари сурган ғоялар ва уни амалётда акс этиш ҳолларини чуқур таҳлили илмий, назарий ҳамда амалий жавоб бўлди.

Мазкур асарда бир қатор принципал масалалар қаторида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий ҳуқуқий асосларини яратиш масаласини кўндалан қўйди ва «минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўровонлик, нарқобизнес ва қурол-яроқ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда паймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб» бораётганини алоҳида таъкидлади.

Бизнинг келажак авлодларимиз олдидаги масъулиятли бурчимиз озод, обод ва равнақ топиб бораётган Ватанни сақлаб қолишдан иборатдир. Респуликамиз раҳбарияти ва ҳукумати ҳам бугунги кунда айнан шундай стратегик мақсадларни кўзлаб сиёсат юритмоқда.

Давлатимиз экстремизм ва терроризм каби иллатларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш, салбий оқибатларини олдини олиш юзасидан самарали иш тутмоқдаки, бундай чора тадбирлар пировард натижада республикадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

## 7-мавзу: Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураши.

### **РЕЖА:**

1. Диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг Ўзбекистонда дунёвий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишига таҳдиди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш ташаббускори.

3. Фуқароларда турли экстремистик бузғунчи гоялар ва қарашларга нисбатан гоявий иммунитет ҳосил қилиш ва халқаро терроризм хавфини олдини олиш муаммолари.

### **1.**

Президент Ислом Каримов мусақилликнинг илк кунларидаёқ хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омиллар хусусида гапирар экан, диний экстремизм ва терроризм ҳақида такрор ва такрор эслатди. Халқаро ташкилотлар минбаридан туриб, унинг дунёвий фожиа, тараққиётга тўсқинлик қилувчи кучли омил эканлигини бир неча марта таъкидлади. 1997 йилда чоп этилган “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида муаммонинг илмий-назарий ечимини баён этди. Кўплаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган “Ислом уйғониши”, “ислом феномени” ва бошқа турли туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозарага киришган ҳолда, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши эканлигига қаратмоқчиман. Шу билан бирга аниқ равшанки, жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётган, баъзан эса ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитаяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий хавф тўғдирмоқда<sup>10</sup>.

<sup>10</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т.: “Ўзбекистон” 1997 й. 34-бет.

Президентимиз диний экстремизм ва терроризмнинг фожиали оқибатлари ҳақида фикр юритар экан, ақидапарасатликнинг Ўзбекистон мустақиллигига таҳдид солувчи омилларини бирма-бир кўрсатади.

*Биринчидан*, ақидапарасатликни ёйиш орқали мусулмонларда давлатнинг ислохатчилик фаолиятига ишончини барбод қилиш, мамлакат ва халқ тақдирини белгилайдиган барқарорликни, фуқаролараро ва миллалараро тотувликни бузиш йўлидаги хатти-ҳаракати кўзга ташланаётганини кўрсатади, фанатизм ва экстремизм дунёвий давлатчилик тамойилларини тан олмайди. Ҳақиқий демократияни, унинг сиёсий ва маънавий аҳамиятини инкор этади. Кўп миллатли ва кўп динли жамиятда маънавий худбинлик орқали ўз мавқени кўтаришга интилади. Бошқа динларни камситиш ва инкор қилиш йўли билан халқ ҳаётини жар ёқасига олиб боради.

*Иккинчидан*, “Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бакироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг кули бўлиб қолишини англашимиз лозим”- дейди Ислом Каримов Дарҳақиқат, бу ҳайкириқ ва бакириқлар юзаки қараганда одамларни ўзига жалб этади, кундалик майда камчиликларни дунёвий ташвишга айлантириб, уларнинг қалбида ҳаётга нисбатан норозиликни кучайтиради, руҳиятида парокандалик ва паришонлик, охир-оқибатда эса таркидунёчилик кайфиятини уйғотади. Инсоннинг яратувчилик қудрати, меҳнат қилиш ва яшаш иқтидори сусаяди.

Қолаверса, аллақандай ҳайкириқлар ва шоирлар гирдобига тушиб қолган киши ўзини руҳан эркин ҳис қила олмайди. Шахс эркинлиги, унинг яшаш эркин ва бутун фикрий-маънавий озодлиги кўзга кўринмас тор чегаралар доирасида биқиниб қолади. Натижада ўша қобикдан чиқа олмайди, бу кенг ва ранг-баранг оламни диққинафас хонадондангина иборат, деб билади, ўша қобик ичида яшайдиган ва фикрлайдиган бўлиб қолади. Хурфикрлилик, озод яшаш, озод фикрлаш жозибасидан маҳрум бўлади. Натижада ўзи англамаган ҳолда кимларгадир мутеъ бўлиб қолади. Тобеълик уни бутунлай ўраб-чирмаб олади. Таракқиёт ана шу йўл билан тўхтатилади. Ҳаракатсиз, тушкун ва мўрт ҳаёт шаклланиб боради.

*Учинчидан*, ақидапарасатлик ҳақиқий диндорлар ва сохта диндорлар ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтиради. Натижада бир мамлакат аҳолиси ўртасида ғоявий низолар, бир-бири билан келиша олмаслик иллатлари пайдо бўлади. Бу иллатлар озгина ҳис-ҳаяжон билан бойитилса, қонли тўқнашувларга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай салбий ҳодисаларни ён-атрофимиздаги мусулмон мамлакатларда юз бераётган воқеалар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

*Тўртинчидан*, Ислом Каримов яқин кўшни мусулмон давлатларда юз бераётган ходисалар бизни хушёрликка чақириши кераклигини уқтирди. Дарҳақиқат, Ушбу воқеалар ўз ҳаётимизга, ўз тақдиримизга ва келажагимизга жиддийроқ қарашимизни тақозо этмоқда. Биз ҳар қандай соҳта шиорлар, баландпарвоз даъватлардан кўра кўпроқ ақл-идроққа, том маънодаги ислом тафаккурига таяниб иш тутишимиз лозим. Ҳеч бўлмаганда, “Биз инсонни мукаррам қилиб яратдик” деган илоҳий даъватга муносиб ва ярашиқ хатти-ҳаракатимизни кўрсатмоғимиз даркор. Президентимиз тасаввуридаги Ўзбекистон истикболи фақат ақл-идроқ тантанаси, соғлом фикр ва соғлом тафаккур ғалабасидир. Зотан, фақат ана шу ҳолатдагина инсоннинг мукаррамлиги, унинг мавжудот сифатида олам сарвари эканлиги ҳар жиҳатдан эътироф этилади. Барча эҳтиёжлари қондирилади.

*Бешинчидан*, мамлакатимиз барқарорлигига таҳдид солаётган омиллардан яна бири – номусулмон мамлакатлар аҳолисининг фикрини чалғитиш йўли билан Ўзбекистон ҳақидаги тасавурларини ўзгартириш, деб ҳисоблайди И.Каримов. Бунинг Президент Ўзбекистон ҳукуматининг дунёвий давлат куриш йўлидаги ислохотчилик фаолиятини сохталаштиришда, жаҳоннинг энг соғлом сиёсатдонлари, йирик давлат ва жамоат арбоблари тан олаётган ҳамда жаҳон давлатчилиги тажрибасини бутунлай янги фикрлар билан бойитиб бораётган “Ўзбек модели”ни сохталаштиришга, обрўсизлантиришга интилишларда кўради. Малакатимизнинг кўлга киритаётган ютуқларидан ғаш келаётган бундай “сиёсатдонлар”-игвогарлар Ўзбекистонни баъзан даҳрийлар малакати қилиб кўрсатишса, баъзан “давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари” деб таърифлашмоқда.

*Олтинчидан*, энг хавфли таҳдид – ривожланиб бораётган Ўзбекистон учун икки олам –исломий цивилизация ва исломий бўлмаган цивилизация ўртасидаги зиддиятни кучайтиришдан иборат. Бу зиддият табиий равишда инсон руҳияти ва унинг оламга муносабатидан тортиб, жаҳон тараққиётини белгилаб турган дунёвий сиёсатнинг ҳам икки муҳим кутбидир. Зотан, ана шу икки кутб умуминсоний кадриятлар, Ер шари тақдири ва жаҳон цивилизацияси манфаатлари нуктаи назаридан бир-бирига яқинлашмаса, бир-бирига кўмаклашмаса, инсоннинг қайси дин, қайси мазҳабга мансублигидан қатъи назар, унинг “мукаррам”лиги таъминланмайди, ҳаёти, яшаш ҳуқуқи поймол бўлади. Бундай ҳодиса Ўзбекистон сингари мустақил давлат учун ўзининг стратегик мақсадларини белгилаб олишида муҳим босқич ҳисобланади. Дарҳақиқат, бу босқич ўн бешдан зиёд диний конфессия уюшмалари фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

*Еттинчидан, хавфсизликка таҳдид Ўзбекистон ҳукуматининг дунёвий тараққиёти туб ислохотлар, жамиятни бутунлай янгилаш ва диний эътиқод ҳамда фундаментализмга бўлган муносабатини сохталаштиришдан иборатдир. Бу дунёнинг турли минтақаалридан туриб тўғридан-тўғри Ўзбекистонга ғоявий хуруж қилиш, унинг жаҳондаги кўпдан-кўп шериклари ишончини барбод этиш, шу йўл билан Ўзбекистон миллий тараққиётига тўғаноқ бўлиш орзу-истагида намоён бўлади.*

## 2.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида диний экстремизм ва терроризмнинг барча қабоҳатларини ва жирканч қилмишларини ҳайротомиз тарзда олдиндан башорат қилиб айтган эди. Ўша кезларда айрим давлатларнинг раҳбарлари ва кўплаб сиёсатшунослар мазкур муаммога енгил-елпи мунсабатда бўлиб, ушбу асарда фундаментализм ва терроризмга ортикча баҳо бериб юборилган, деган фикрда эдилар.

Гарчан шундай фикрлар баён этилаётган бўлсада, мамлакатимиз раҳбари ўзининг қатъий фикридан қайтмаган ҳолда терроризм бутун башариятнинг душмани ва унга қарши кураш биргина Ўзбекистоннинг бурчи эмас, балки жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим долзарб вазифаси эканлигини қайта-қайта такрорлашдан тўхтамади. Ўзбекистон Президенти халқаро анжуманларда турли доирадаги музоқораларда терроризмга қарши кураш ҳақидаги ўз мулоҳазаларини баён этиш билан бирга бу вабога қарши курашишнинг амалий йўллари ҳақида ҳам аниқ тақлифлар киритди.

Шунингдек, юртбошимиз БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йилда бўлиб ўтган 48-сессиясида ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истамбул Саммитида (1999) сўзлаган нуткида ҳам, терроризмнинг олдини олиш борасида аниқ тақлифларни ўртага ташлади. Ана шу тақлифларнинг ўта муҳим ва аҳамиятлиси терроризмга қарши кураш халқаро маказини ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф эди. Жумладан, И.Каримов “Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз” Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган. қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбааларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиришдан иборат”- деб таъкидлаган эди. Кўри-



ниб турибдики, Президентимиз марказининг асосий вазифаларини белгилаб берар экан, марказ терроризмнинг турли кўринишлари билангина эмас, энг аввало, уни молиявий қўллаб-қувватлаётган қуролярроғ билан таъминланаётган субъектларга қарши курашиш зарурлигини кўрсатган.

Афсуски... 2001 йил 11-сентябр АҚШ террорчилик ҳаракати содир этилгандан кейингина жаҳонда бу масалага муносабат тубдан ўзгарди. У қандай давлат, шу жумладан, энг замонавий қурол яроғларга эга бўлган қудратли давлат ҳам терроризмга қарши ёлғиз кураш олиб боришга қодир эмаслиги аён бўлди.

Терроризмдан азият чекан, унинг қабих ва алоқатли таъсирини ўз бошидан кечирган мамлакатимиз ХХI аср вабоси бўлмиш бу жирканч иллатга қарши жаҳон ҳамжамияти билан бирга шафқатсиз курашга биринчилар қатори бел боғлади. 2004 йил 29-апрелда бўлиб ўтган иккинчи қакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида ҳам президентимиз терроризмнинг ёвуз қиёфаси ҳақида гапирар экан, “Ҳозирги кунда терроризмнинг ёвуз кучидан, тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлат йўқ.”- деб таъкидлади.

Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларини олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало ёшларимизни қалби ва онги сағлом тафаккури учун курашни тақазо этмоқда.

БМТнинг юқори минбаридан туриб халқаро терроризмга қарши курашиш учун жаҳон ҳамжамияти куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлиги тўғрисидаги даъват ҳам Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган эди. Зотан, биргаликда кураш ва ўзоро мувофиқлашган ҳаракат терроризмни маънавий ва моддий томондан қўллаб-қувватлаётган қора ниятли кучларга нисбатан қакшатқич зарба бўлиши муқаррардир.

АҚШда содир бўлган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги 2001 йил 13 сентябр БМТ Бош қотибига йўллаган баёнотида “БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш юзасидан зудлик билан чора-тадбирлар кўриш” таклифни билдирган эди. 2001 йил 28 сентябрда БМТнинг 1373-резолүциясига мувофиқ БМТ Хавфсизлик Кенгаши доирасида Терроризмга қарши кураш қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятини халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш йўлидаги чақириғи рўёбга чиқди. Халқаро терроризмни молиялаштириш манбаларини тугатиш, бу борада тавсиялар ва ишлаб чиқиш миллий ҳаракатлар мониторингини юритиш - БМТ Хавфсизлик Кенгаш терроризмга қарши кураш бўйича кўмитасининг мақсадлари қаторидан ўрин эгаллади.

Бундан ташқари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг юқорида қайд этилган резолюциясида мамлакатн терроризмнинг барча кўринишларига, халқаро терроризм қўллаб-қувватловчи, молиялаштирувчи, таъминловчи ва йўналтириб турувчи манбаларига қарши конвенцияларига кўшилишга даъвати ҳам баён этилган. Ўзбекистон бу борада БМТнинг 12 та конвенциясининг барчасига қўшилган давлатлардан бири ҳисобланади. Мазкур халқаро ҳужжатлар эса ўз навбатида мамлакатмизда терроризмга қарши курашнинг қонунчилик асосларини пухта белгилаш ва самарали таъминлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда, 2001 йилнинг 14 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Терроризмга қарши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Мазкур Қонун нафақат шахс, жамият ва давлатнинг террориздан хавфсизлигини таъминлаш, балки республикамиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, Ўзбекистонда фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини сақлашга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.

### 3.

Диний экстремизм терроризмнинг мафкуравий асоси эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Буни юртбошимиз Ислом Каримов биринчилар қатори фахмлади ва “ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши маърифат”, деган шиорни олға сурди. Шу боис диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олишнинг дастлабки ва энг муҳим чора-тадбирлардан бири - фуқароларимизда бузғунчи ғояларга нисбатан ғоявий иммунитетни шакллантиришдир.

Диний экстремизм ғоясининг хавфлилиги шундаки, у бузғунчилик хатти-ҳаракатини келтириб чиқаришга қаратилгандир. Ҳар қандай ғоя ҳам яратувчанлик ёки бузғунчи хатти-ҳаракатларни келтириб чиқаравермайди. Бунинг учун муайян ғоя “... кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи уларнинг қалбидан жой олиши шарт”<sup>11</sup>

Бузғунчи ғоянинг яқсон қилувчи тафтини босиш, камайтириш учун унга қарши адекват қалқон, тўсиқ бўлишлиги лозимлиги ўз-ўзидан маълум. Энди бу тўсиқ ёки қалқон моддий эмас, балки маънавий,

<sup>11</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва томиёйиллар. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.40-б

яъни ғоявий табиатда бўлишлиги зарур. Бунинг учун инсон онгида ҳар қандай салбий, бузғунчи ғояга қарши тасоввур ёки тушунча яратиш керак бўлади.

Кейинги пайтларда ушбу механизмни “иммунитет”, “ғоявий иммунитет” деб аташ расм бўлди. Асли олганда Ушбу термин медицинада ишлатилади ва киши организмнинг турли касалликларга, атроф-муҳит ўзгаришларига қарши чидамлилиги. Бардош бериш қобиляти тушунилади. Иммунитети сусайган, заифлашган организм касалланишга мойил бўлади. Турли инфекциялар, турли вирус ва бактериялар киши организмдаги ижобий, ҳимоя қилувчи микробларни ўзини ҳимоя қилиш қобилятини сусайишига олиб келади. Натижада инсон бетоб бўлади унинг организмнинг функцияси бузилади.

Шундай ҳолат киши онгида ҳам кузатилиши мумкин эканлигини турли экстремистик ғояларни айрим кишиларни йўлдан уришида, терроризм кўчасига кириб қолишида кузатилади. Бузғунчи, экстремистик ғоялар одатда маънавияти бўш, ҳукуматимиз амалга ошираётган ислохотлар моҳиятини тўла англамаган, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларни айниқса тезроқ чулғаб олади, улар онгини заҳарлайди. Бу ҳақда сўнги марта Президентимиз Ислом Каримов 2004 йил 30-31 март ва 1 апрел кунлари Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида содир этилган террористик хатти ҳаракатлар иштирокчиларининг шахси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакириқ ўн тўртинчи сессиясида (26 аперл 2004 й.) қилган маъруза-сида рўй-рост таъкидлаб ўтди<sup>12</sup>.

Сессияда йўлдан адашган кишиларни кўзини очиш, уларга ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар нима учун ва ким учун қилинаётганлигини тушинтириш турли бузғунчи ғояларни улар онгини заҳарланишини олдини олади деб таъкидланди.

Мафкуравий кураш масаласига келсак унинг илдизлари глобал маконга қараб кетади. Ҳозирги замоннинг мафкуравий манзараси шундаки, агар муқаддам социализм ва капитализм ғоялари бир-бирига қарама-қарши турган бўлса, 90- йиллардан бошлаб эса демократия, дунёвий тараққиёт ғоялари билан диний мутаасиблик, диний давлатчиликни шакллантириш ғоялари ўртасида мурасиз кураш вазияти шаклланди. Бундай вазият марказий Осиё минтақасида мустақилликка эришган ёш давлатлар томон ҳам буриб юборилди.

90-йиллардан Марказий Осиё минтақасига Мусулмон мамлакатларидан турли ниқоб остида турли миссионерлар сафарбар этилди.

<sup>12</sup> Д. Ахмедов, А.Қодиров, М.Бўрнева. Ватапинимз тилчилиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудрагимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлигига боғлиқ // Ўқув –услугубий тавсиянома Т.: 2005

Улар инсонпарварлик ёрдами, таълим бериш, тижоратчилик ниқоби остида маҳаллий аҳолини ислом динининг энг бузғунчи ғояларига (вахҳобийлик, нурчилик, ҳизбутчилик ва ҳ.к.)даъват қилишди. 90 йиллар бошларида Наманганда, 1999 йил 16 феврал Тошкентда бўлиб ўтган ғожиали воқеалар ана шу экспансиянинг оқибатларидир. Халқаро террористик ва экстремистик ташкилотлар томонидан ғоявий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланган бундай ҳаракатлар бир мақсадга-дунёда ўрта асрлар қабилидаги диний давлат-халифаликни тиклаш, халқимизни шариат қонунлари асосида яшаш ва фикрлашга мажбур қилишдан иборат. Бундай ғоя ва мафкура халқимиз танлаган йўл, унинг сиёсий-ҳуқуқий дастури-конституциясига, амалдаги қонунларимизга батамом зид ва қарама-қаршидир. Халқимиз бутун жаҳон халқи танлаган йўл – дунёвий тараққиёт йўлини танлади. Бу тарихий йўл халқимизни демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга олиб боради.

2004 йил охири 2005 йилдан бошлаб бу йўналишда тарихий воқеа содир бўлди-мамлакатимиз икки палатали бошқариш тизимига ўтди, дунёвий, демократик тараққиётнинг ҳуқуқий механизми янада мустаҳкамланди. Бу шароитда турли экстремистик кучларнинг бўлмагур ғоялари халқимизнинг нафратига дучор бўлмоқда.

Ўзбекистон кўп динли ва кўп миллатли давлат. Уни исломлаштириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зиддир. Чунки Ўзбекистон Конституцияси ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда эътиқод, виждон эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлангандир. Ушбу қонунинг бузилиши мамлакатимизда фуқаролараро низони келтириб чиқриши муқарар. Диний экстремизм ва халқаро терроризм айнан шуни хоҳлайди. Улар юртимизда ҳукм сураётган фуқаролараро ҳамжиҳатлик, осойишталик ва тинчликни кўра олмай-дилар, нима қилиб бўлса ҳам низо чиқаришга, халқимизни тинч, яратувчанлик фаолиятдан чалғитмоқчи бўладилар, буни англаш, тушиниш, тўғри ҳулосалар қилиш учун ҳар бир фуқаро ўлаётган воқеаларни моҳиятини билиб олиши зарур бўлади. Шунинг учун ушбу курс ҳозирги замон диний экстремизми ва халқаро терроризмининг асл башарасини очиш билан бирга, улар кўзлаган жирканч мақсадларни фoш этиш ва шу билан экстремизм касалигидан халқимизни сақлаш учун киритилди. Умид қиламизки, бу иш ўз натижасини беради.

Умуман, халқаро терроризм биз учун янгилик ҳам, айни пайтда тасодикий ҳам эмас. У йиллар мабойнида урчиб, ривожланиб, такомилланиб бораётган мудҳиш ҳодиса. Унга кимлардир билиб-билмай, кимлардир онгли равишда шароит яратиб берди. Бироқ камдан кам кишиларгина ёвузликни туғилган заҳотиёқ англайди, тушунади, ўз вақтида баҳо беради. Ана шундай буюк ҳодиса ижтимоий сиёсий

жараёнларни боришини олдиндан пайқаб, олдиндан баҳо бера олиш қудрати Ўзбекистонга, унинг раҳбарига насиб этган. Бу буюк фазилят ва оқил сиёсатдонлик қудрати миллат ва мамлакат, ўзбек ва ўзининг шаънини дунёга олиб чиқмоқда ва унинг маънавий қудратини кўрсата оладиган омил сифатида кўзга ташланмоқда.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:«Ўзбекистон», 2003й.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилот тўғрисида» (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни, –Т.: «Адолат», 1998й.
3. И.Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
4. И.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: «Ўзбекистон»,1997 й.
5. Ислом Энциклопедияси: Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2004 й.
6. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим.-Т.:Мовароуннаҳр 2001.
7. Ирисов Б. Дин, ақидапарастик ва таҳдид. –Т.: «Маънавият» 2000.
8. «Ислом тарихи» фани бўйича ўқув-услубий қўлланма.–Т.: Тошкент ислом университети, 2001 й.
9. Каримов Н. Ислом-маърифат дини .-Т.: Маънавият, 2002 й.

**Ф.ф.н. М.Бўриева тайёрлади.**

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий (адбиётлар)

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.:Ўзбекистон, 2003.
2. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги тахрири)". Ўзбекистон Республикасининг қонуни.-Т.: Адолат, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан оёд ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И. А. Бу бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Оёд ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8- жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмыз. 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашамиз. 10-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2003.
14. Каримов И.А. Ватанымизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боглиқ. -Т.: Ўзбекистон, 2004
15. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий лугат). -Т.: Янги аср авлоди, 2002.

### Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллатиф қори Хошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг.- Т.: -Мовароуннаҳр, 2003.
2. Азимов А. Религиозный экстремизм и фундаментализм.-Т., 1998.
3. Антонян Ю.М. Терроризм: криминологическое и уголовно-правовое исследование. - М.: 1998.
4. Архиепископ Владимир... А друзей искать на Востоке.-Т.: 2002.
5. Вагрикенглик тамойиллари Декларацияси. - Т.: 2002.
6. Баҳромов А. Ислом ва маърифат. - Т.: Мовароуннаҳр, 2002.
7. Бжезинский З. Великая шахматная доска. - М.: 1999.
8. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги.-Т.: Тошкент ислом университети, 2002.
9. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000.
10. Закурлаев А. Ғоялар қураши. - Т. Мовароуннаҳр, 2000.

11. Инсон ҳуқуқлари: Универсал халқаро ҳужжатлар тўплами. - Т.: 1996.
12. Исоия ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль.-Т.:Адолат, 1992.
13. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид.-Т.: Маънавият, 2000.
14. Ислои: бағрикенглик ва мутаассиблик. - Т.: Университет, 1998.
15. Ислои ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари).-Т.: 2003.
16. "Ислои тарихи" фани бўйича ўқув услубий қўлланма. Т.: - Тошкент ислон университети, 2001.
17. Ислои.Энциклопедия.-Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
18. Карюв И. Исон ва инсон.- Т.: Фан, 1991.
19. Кожушко Е. Современный терроризм: Анализ основны направлений. - Мн.: Харвест.2000.
20. Комилов Н. Ислои - маърифат дин. - Т.: Маънавият, 2000.
21. Косиченко А.Г., Ашимбаев М.С. и др. Современный терроризм: взгляд из Центральной Азии. - Алматы: Давк-Пресс, 2002.
22. Межрелигиозное согласие-важное условие углубления демократических процессов в странах Цетральной Азии (На примере РеспубликиЎзбекистан).Материалы международной конференции.-Т.:2002.
23. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик-тараққиёт омили. - Т.-2003.
24. Обидов Р., Абдуллаев С, Азимов А. Ҳидоят ва залолат.-Т., 2004.
25. ОтамуродовС., МаиашокровС., ХолбековА. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. - Т.: 2001.
26. ПахрудиновШ. Таҳдид-ҳалокатли куч.-Т.:Академия, 2001.
27. Правовое государство - независимость, нация, экономика, идеология, политика. В 4 - х томах. - Т.: Адолат, 1994.
28. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. - Т.: 2000.
29. Рахманов А., Рахманов А. Исламское право. Учебник для вузов. - Т.: 2003.
30. РахматовА.Бдительность 4священный долг.-Т.: Ўзбекистан, 2000.
31. Саидов А.Х. Религиозная толерантность и светское государство в Ўзбекистане. -Т.:2002.
32. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар.-Т.: Адолат, 2004.
33. Салимов К.Н. Современные проблемы терроризма.-М.: 1999.
34. Тарозий А.М. Олам узра тарқалган ислон. - Т.: 2001.
- 35.ХантингтонС. Столкновение цивилизаций?/Полис, №1,1994.
36. Хорун Яҳё.Ислои террорни қоралайди. Т.:Мовароуннахр, 2003.
37. Экстремизм, терроризм, гуруҳий жиноятчиликка қарши кураш муаммолари./Илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: 1999.
38. ЯкубовО.Қашқирлар галаси: Терроризмнинг қонли изи.-Т.: 2000.
- 39.Юнусова А.Т. Религия и закон.-Т.: Тошкент ислон университети, 2002.
40. ҲуснидиновЗ. Ислои: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар.-Т.: Мовароуннахр, 2000.
41. Ҳуснидинов З.М., Абдусатторов А. Ислоидаги оқимлар: хорижийлик ва шиалик. Т.: Тошкент ислон университети, 2003

**ДИНИЙ ЭКСТРИМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА  
ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ-  
МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ**

Ўқув-курси дастури

Программа ученого курса

**ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ ОСНОВЫ  
БОРЬБЫ С РЕЛИГИОЗНЫМ  
ЭКСТРЕМИЗМОМ И ТЕРРОРИЗМОМ**

Муҳаррир: М.Боллиева.  
Техник муҳаррир: М.Мирзалиев.  
Мусахҳиҳ: Н.Мирзажонова.  
Компьютерда саҳифаловчи: Ф.Нурлибаев.

Босишга рухсат этилди: 14.03.2005.  
Ҳажми 5, б.т., Адади: 500. Буюртма: № 449  
ТДҶОИ кичик босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.



### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: «Ўзбекистон», 2003й.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилот тўғрисида»(янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. –Т.: «Адолат»,1998.
3. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси .Т.: «Адолат»,1994 й.
4. И.Каримов Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. И.Каримов Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т., «Ўзбекистон», 2000.
6. И.Каримов Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.:«Ўзбекистон»,1997 й.
7. Вести московск. ун-та. сер 11. Право. 2004 г. № 4
8. Халқ сўзи газетаси 1995 йил 17.18 , 19-сентябрь.
9. Халқ сўзи газетаси 2004 йил 9-июнь.
10. Халқ сўзи газетаси 20054йил 18-июнь.
11. Хал сўзи газетаси 2005 йил 19-январь.
12. Хал сўзи газетаси 2005 йил 29-январь
13. М.Ражабова.Диний экстремизм ва терроризмга ҳарши кураш муаммолари. Т., “Ўзбекистон”, 2003 й.
14. З.Ғофуров, Ф.Тоҳиров «Терроризм ва диний экстремизмнинг ижтимоий ҳавфлилиги ” Т., ГДЮИ-2004 й.

**Тузувчи: доцент. Рауф Ғафоров**

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов. И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997й.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. Тошкент 2000.
4. Диний экстремизм ва фундаментализм тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи. –Т.: 1999.
5. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т.: 2000.
6. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. –Т.: 2000.

**Тузувчи: ўқ. Д.Тожибоева**